




HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 14-noyabr, chorshanba * № 47 (799) * 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

ВИЛОЯТ МУХБИРИ БЎЛИШ ОСОНМИ?

Хўш, марказий нашрлар, радио ёки телевиденининг қизғин ҳаёти ичида фаолият кўрсатётган вилоят мухбирлари олдида бугун қандай вазифалар турибди? Вилоят ҳаётини, у ерда содир бўлаётган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисаларни, қолаверса, мавжуд муаммо ва камчиликларни ёритишда нималарга эътибор қаратиш лозим? Умуман, вилоят мухбирдан бугун нима талаб қилинмоқда?



⇒ 4-бет

КЎП ЙИЛЛИК ОРЗУЛАР УШАЛАДИГАН БЎЛДИ

"The Sun" нашрининг ёзишича, Хитойда 88 йил бирга умргузаронлик қилган эр-хотин У Цунхань ва У Суншилар ниҳоят тўй альбоми учун суратга тушишга муваффақ бўлишди. Суратларда 101 ёшли У Цунхань ва унинг 103 ёшли рафиқаси У Суншилар тўй либосларида намоён бўлишди.



5-бет

ТИНМАСАНГ — ТИНАСАН

Ана ўшаларнинг ҳаракатларидан тўлқинланиб, қувониб ёздам ушбу мақолани. Уларнинг тиниб-тинчимаслиги, безовталиги, дадиллиги, ибратли режалар тузиши, ташаббуслар кўрсатиши, фойдали қарорлар қабул қилиши кўнгилда кўтаринки кайфият уйғотади.



⇒ 6-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

* 10 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисини шу йил 5-6 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

7 ноябрь куни пойтахтимизда Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг савдо, сармоя, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, тоғ-қон саноати, энгил саноат, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, концерн ҳамда компаниялари вакиллари қатнашди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун БМТнинг Ўзбекистон ҳамда хориждаги тендер харидлар тизимида қатнашиш имкониятлари тақдироти ўтказилди. Унда фармацевтика, қурилиш, мебелсозлик, бомаҳона ва ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган 60 дан ортиқ ишбилармонлик субъектлари иштирок этди.



"Hurriyat" газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



УРГАНЧДА ЗАМОНАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудига амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида қишлоқ ва шаҳарларимиз тобора чирой очиб бораётир. Бу юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Урганч шаҳридаги темир йўл вокзали кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш, ободончилик ишлари амалга оширилди. Натижада вокзал қиёфаси

замонавий қиёфа касб этди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, жумладан, темир йўл соҳасида ҳам юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Урганч шаҳрида олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари қаторида темир йўл вокзали ҳам қисқа фурсатда юксак талабларга жавоб берадиган даражада қайта таъмирланди. Миллий ва замонавий меъморчилик аънавалари асосида барпо этилган ушбу иншоот кундан-кунга гўзаллашиб, янгиланиб бораётган вилоят марказига янада кўрк ва салобат бахш этди.

Бу ерда йўловчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, дам олиш хонаси совутичлар, телевизор, замонавий мебеллар билан жиҳозланди. «Оналар ва болалар» хонаси, ошхона, тиббиёт хонаси ҳам кеча-кундуз йўловчилар хизматида. — Янги бино ишга тушгач, элликдан зиёд янги иш ўринлари очилди, — дейди вокзал ходими Татьяна Жуманиёзова. —

Бу ёшлар, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда муҳим омил бўлди. Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими П.Бобожонов сўзга чиқди.

А.ШОКИРОВ (ЎЗА) Суратда: Урганч шаҳридаги темир йўл вокзали.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига



АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақил давлатимизнинг Асосий Қонуни сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, демократик ислохотлар ва янгиланишларнинг мустаҳкам ҳуқуқий замини бўлиб хизмат қилмоқда.

Зотан, Ўзбекистонимиз ўзининг 21 йиллик мустақил тараққиёт даврида эришган барча муваффақиятлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминлиши, энг самарали давлат бошқаруви механизмининг жорий этилиши, фуқаролик жамияти асосларининг вужудга келиши ва ривожланиши Конституциямиз ва у асосида қабул қилинган

қонуналарнинг изчил рўйиби туфайли кўлга киритилди.

Президентимиз эътироф этганидек, "Конституциямиз ўз мазмун-моҳиятига кўра халқимиз таърифдорлигининг маҳсули бўлиб, у давлатни давлат, миллатни миллат сифатида танитадиган қомусномадир". Унинг барча моддалари дунёда умумэтироф этилган тамойиллар, халқаро ҳуқуқ нормалари,

хусусан, 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатлардаги умуминсоний тамойиллар мазмуни билан тўла-тўқис ҳамохандир.

Асосий Қонуниimiz жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги самарали ислохотлар қаторида юртимизда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, улар фаолиятини ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки ҳамда мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссасини кучайтиришга имкон яратди.

2

ОБУНА — 2013

Қадрли юртдошлар!

Азия муштарийлар! "HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.

2013 йил учун обуна давом этмоқда.

Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.

Обуна бўлинг!

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз: "HURRIYAT"нинг нашр индекси — 733

Шараф БУ ЙЎЛЛАРДАН ОДИМЛАШ БИР БАХТ

Йўллар... уларнинг аҳамияти ҳақида алломалар кўп ва хўб ёзишган. Уларни инсон умрига яна мамлакатларнинг қон томирларига ҳам менгзашади. Хуллас, қадим-қадимлардан буён йўллар-йўлларга тутшиб-тутшиб, халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантириб келган. Бунга дунёни чулғаб олган, турли миллат ва элатларнинг тақдирларини бир-бирларига чамбарчас боғлаб келган Буюк ипак йўли тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ҳозир ҳам шундай. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг йўлларнинг қадр-қиммати янада ортди. Ватанимиз Осиёнинг марказида жойлашгани боис қадим-қадимдан шарқ мамлакатларидан, Фарбдан эса Европа, Яқин ва Урта Шарқ томонлардан келадиган йўлларни боғловчи ўзига хос марказ вазифасини ўтаган.



2

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

(Бошланғич 1-бетда.)

Фуқаролик жамияти — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланган, фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланган, давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг эркин иштироки таъминланган, иқтисодий асосини хусусий мулк ташкил этадиган эркин фуқаролар макони. Айнан бундай омилларнинг шаклланиши учун асос бўлган қоидалар Конституцияимизнинг бир қатор нормаларида ўз аксини топган. Жумладан, Асосий Қонуниимизнинг 15-моддасида қайд этилишича, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар». Бинобарин, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шарти қонун устуворлиги экан, мамлакатимизда бу масалага давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.

Фуқаролик жамиятининг яна бир мезони фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштироки саналади. Конституцияимизда мазкур масала ҳам ўз аксини топган бўлиб, жумладан, унинг 32-моддасига биноан «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади». Ҳақиқатан ҳам, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқи халқимизнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда сайлов ва референдумларда бевосита қатнашишлари ва ўз овозларини беришларида намоён бўлаётир. Фуқароларнинг давлат ва жамият иш-

рини бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи эса олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайлайдиган ўз вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашишларида намоён бўлмоқда. Айтиш керакки, мамлакатимизда босқичма-босқич олиб борилаётган ички ислохотлар ҳам фуқароларимизнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирокини кафолатлашга қаратилган. Хусусан, 2007 йилда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳам фуқароларимизнинг сиёсий партиялар орқали жамият ва давлат ишларида фаол иштирок этиш ҳуқуқларини мустаҳкамлаб берди.

Еки Конституцияимизнинг 12-моддасига эътибор қаратайлик. Унга асосан «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади».

Фар қандай адолатли, демократик давлатда фуқароларнинг эркин фикрлаш ҳуқуқи кафолатланган бўлади. Инсоннинг эркин фикрлаш, ўз ақл-идроки, қобилияти, олган билимларидан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлиши давлатда шахс эркинлигининг эркин ифодасидир. Шубҳасиз, эркин фикрлаш бор жойда фикрлар хилма-хил бўлади ва турли мафуралар, сиёсий институтлар, ҳаракатлар пайдо бўлиши мумкин. Бу фуқаролик жамиятининг асосий мезонларидан биридир.

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини хусусий мулк ташкил этади. Шу маънода мамлакатимизда хусусий мулк муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, бу Асосий Қонуниимизда ҳам ўз аксини топган бўлиб, унинг 53-моддасида қайд этилишича, «хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир». Ушбу

қонуннинг амалий ифодаси ўларок, мустақил тараққиёт йилларида юртимизда мулкни хусусийлаштириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоялаш борасида салмоқли ишлар қилинди.

Умуман олганда, фуқаролик жамиятининг барча мезонлари Асосий Қонуниимизда ўз аксини топган. Ундаги нормалар асосида ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётида муҳим рол ўйнамоқда. Мазкур институтларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки, улар томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган самарали ишлари ҳам бевосита Конституцияимиз ва у асосида қабул қилинган қонунлар ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Фуқаролик жамиятининг институционал таркибий қисмлари, уларнинг шакллари, ташкил этилиши ва фаолиятига оид устувор қоидалар Конституцияимизнинг «Жамоат бирлашмалари» деб номланган XIII бобда ўз ифодасини топган. Ушбу бобдаги 56-моддага асосан «Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади». Шу ўринда Конституцияимизнинг ушбу моддаси инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқиб белгиланганлигини таъкидлаш лозим. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 20-моддасига кўра «Ҳар бир инсон тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эга», 23-модданинг 4-қисмига кўра «Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга». Ўзбекистон Республикаси «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг муқаддимасида таъкидланганидек, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланиб, ушбу қонунда фуқароларнинг жамоат

бирлашмаларини тузиш эркинлиги уларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида мустаҳкамлаб қўйилгандир.

Жамоат бирлашмалари ва улар фаолиятига оид бирламчи нормалар Асосий Қонуниимизда белгиланган бўлса, улар фаолиятини батафсил ҳуқуқий тартибга солиш «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар асосида амалга оширилади. Юқоридаги қонунларда жамоат бирлашмаларини ташкил этиш, уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби ва фаолиятининг кафолатлари белгиланган.

Бугунги кунда жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари Конституцияимизда ва бошқа қонунларда белгиланган ваколатлардан самарали фойдаланган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалаларни ҳал этишда, давлат дастурларининг ижросини рўёбга чиқаришда алоҳида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Хусусан, айни пайтда мамлакатимизда 5800 дан ортик нодавлат нотижорат ташкилотлари, 1250 дан ортик ОАВ, 10 мингга яқин маҳаллалар фаолият олиб бораётгани, улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда жонбоқли кўрсатаётгани фикримизнинг яққол таъдидидир.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақил Ватанимизнинг Конституцияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ва ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини изчил либераллаштириш ва модернизация қилиш ҳамда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга татбиқ этишда мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда.

ШУҲРАТ ЯКУБОВ,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти бosh мутахассиси, юридик фанлар номзоди, доцент



БУ ЙЎЛЛАРДАН ОДИМЛАШ БИР БАХТ

(Бошланғич 1-бетда.)

Ахборот технологиялари ўта ривожланган, бир дақиқада дунёнинг нариги бурчаги билан боғланиш кундалик машғулотиимизга айланиб қолган йигирма биринчи асрга келиб, йўлларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ундан-да ошса-ошиб бораётгани, асло камайган эмас. Чунки йўллар мамлакатларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи асосий восита бўлиши билан бир қаторда унинг ажралмас тармоғи — халқларнинг истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондирадиган ўзига хос савдо-сотик йўли ҳамдир.

Мамлакатимиз ҳудудидан ана шундай аҳамиятга эга 20 та халқаро транспорт йўналиши ўтган бўлиб, улардан фақат Бухоро вилоятида кесшиладиган йирек — 2 та, Е-40 ва Е-60 халқаро автомобиль йўлларига Фарбий Европани Шарқий Осиё мамлакатлари билан боғлайди.

Ҳозирги кунда республикаимизда Шимоли-Фарбдан Бейнеу, Жануби-Фарбдан Олот, Жанубдан Термиз, Шарқ томондан эса Ўш орқали қўшни давлатларга чиқадиган қуйидаги тўрт йўналиш:

- ♦ Бейнеу — Қўнғирот — Бухоро — Самарқанд — Тошкент — Андижон (умумий узунлиги — 2047 километр);
- ♦ Бухоро — Олот (умумий узунлиги — 98 километр);
- ♦ Бухоро — Қарши — Фузур — Термиз (умумий узунлиги — 436 километр);
- ♦ Самарқанд — Фузур (умумий узунлиги — 174 километр) дан иборат Ўзбек Миллий атомагистрალი мавжуд бўлиб, унинг умумий узунлиги 2755 километрини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 22 апрелдаги «2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий атомагистрални реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1103-сонли, 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузулмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги 1446-сонли қарорларига асосан 2011-2015 йилларда 1410 километр узунликдаги «Ўзбек миллий атомагистрალი»ни қуриш ва қайта қуриш Дастури белгиланган.

Мазкур Дастур доирасида амалга ошириладиган йўл қурилиши ишларининг метёрлари қатъий белгилаб қўйилган сифати албатта йўлсозларнинг маҳоратига боғлиқ. Бунга амалда шу кунларда Ўзбекистон Миллий атомагистрალი таркибига кирувчи автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида Шимолий бюртма асосида фаолият юритаётган Нукус филиали йўлсозларининг жадал иш жараёнида қўриб, амин бўлди.

Сиз гувоҳи бўлиб турган йўл қурилиши ишлари халқаро андозаларга мос равишда, бизнинг тилимиз билан айтганда цемент-бетон қопламали усулда амалга оширилмоқда, — дейди прораб Шўҳрат Ерженов. — Бу ишларни малакали машинист — Мамуд Маму-

тов, бригада бошлиғи — Омир Айтмуродов, Ерпўлат Муродов, Раман Аймахов, Раҳат Яхтеев каби соҳани яхши биладиган йўлсозлар амалга оширилмоқдалар. Иш жараёни мураккаб бўлгани боис лаборант Икром Азизбаев, техник хулосаловчи Абубакир Турдиевларнинг маслаҳатларига ҳар дақиқада зарурат сезамиз. Қўриб турганимиздек ҳозиргина ҳайдовчи Дуйсанбай Бекполатов келтирган асфальт қопламаси метёри белгиланган даражада бетон қоплама устига ётқизилмоқда. Шу боис ҳам машинист Осман Аймурзаев бошқаратган ва бу текисловчи мосламани иш жараёнида бир дақиқа ҳам тўхтаб бўлмади. Иш сифати бузилмаслиги учун уни доимий равишда ҳаракатлантириб туриш керак. Мамлакатимиз аҳамиятга молик ишининг бизга ишониб топширилгани албатта, ҳар биримизга масъулият юклайди.

Бу сўзларни Шўҳрат Ерженовнинг ҳамкасблари ҳам астойдил тасдиқлашди. Уларнинг шижоати иш жараёнида ҳам кўзга ташланиб турарди.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти ҳудудларида А-380 «Фузор» — Бухоро — Нукус — Бейнеу» автомобиль йўлининг 812-866 километрлари оралиғида — Хўжайли, Қонликўл ва Қўнғирот туманлари ҳудудида 54 километр; Шу йўлнинг 916-936 километри оралиғида Қўнғирот туманида — 20 километр; 490-581 километр оралиғида 91 километр узунликдаги янги автомобиль йўлини ётқизиш ишлари бажарилмоқда.

Юртимиз йўлсозларининг азму шижоати билан шу кунга қадар 244 километрдан зиёд йўллар реконструкция қилинди ҳамда 62,5 километр узунликдаги, шу жумладан, А-373 «Тошкент — Ўш» автомобиль йўлининг 204-274 километрида — Қўжон шаҳрини айланиб ўтиш қисмида Гулистон — Охангарон автомобиль йўлига 15, Самарқанд — Фузур йўналишида 205 километр йўл фойдаланишга қабул қилиш учун тақдим этилди.

Қуриб турибдики, яқин келажақда мамлакатимизнинг экспорт юкларини Фарбдан Европа мамлакатларига, Шарқдан эса хитойлик ва бошқа ҳамкорларимизга етказиб бериш имконияти янада ошади. Бу эса дунё ҳамжамиятида Ватанимиз Ўзбекистоннинг салоҳиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта.

Шоир айтганидек:
Бу йўллардан одимлаш бир бахт,
Саболари бағишлар сурур.
Қадамингда қудратлар шаҳд,
Тоғлар каби юксалар сурур.

Она Ватан, Истиқболнинг,
Алёр айтиб, бўлишиб ҳамдан,
Зафарларинг истиқболнинг,
Шу йўллардан қўярмиз қадам.

Ў.ХАЙРУЛЛАЕВ

Суратларда: қорақалпоғистонлик йўлсозлар иш жараёни акс эттирилган. Муаллиф фотолари

Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант талловининг «Учинчи сектор ривожини йўлга қўйиш, ҳаққон ва ҳаммаслақ бўлаиш» номи лоиҳаси асосида chop этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — ЯГОНА УЙИМИЗ

Юнус Ражабий номдаги Жиззах вилоят мусикали драма театрида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг йигирма ва корейс миллий вакилларининг Ўзбекистонда истиқомат қилаётганининг 75 йиллиги бағишланган маданий тадбир ўтказилди. Жиззах вилояти ҳокимлиги, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси, Республика Байналмилал маданият маркази томонидан ташкил этилган тадбир халқлар дўстлигини улуғловчи байрамга айланб кетди.

Тадбирда мамлакатимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга улкан эътибор қаратилётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда тугилиб вояга етган, тақдирини ўзбек халқи тақдирини билан боғлаган корейс миллий вакиллари ўз ҳаёт йўллари ҳақида ҳикоя қилиб беришди. Жумладан, 42 йилдан буён педагогика соҳасида ишлаб келаётган мураббий, Пахтакор ту-

манидаги 31-мактаб-интернат директори Ольга Хваннинг ҳаёт йўли ўзбек ва корейс халқи дўстлигининг яққол намунасидир.

— Корейс миллий вакиллари Ўзбекистонда тинч, фаровон яшаб, меҳнат қилишмоқда, — дейди Ольга Хван. — Оғир дамларда уйдан жой бериб, бир бурда нонини биз билан баҳам кўрган ўзбек халқининг баркиргилигини ҳеч қачон унутмаймиз. Президентимиз Ислон Каримов олиб бораётган одил сиёсат туфайли бу бағрикенглик олижаноблик қадриятлари билан янада мустаҳкамланди. Бунга миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган эътиборда яққол қўриб турибмиз.

Анжуанда «Ўзбекистон — ягона уйимиз» ҳужжатли фильми намойиш қилинди. Шунингдек, ўзбек ва корейс миллий кўй-қўшиқлари, рақслари ижро этилди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

СОДДАЛИК

Ўттиз тўрт йилдирки, суқроткеклат ва ҳатто суқроттабиёт бу одам ишхонасидан ўттиз қақирим узоқда жойлашган Пешқўрғон қишлоғидан қатнаб ишлайди. На мансаб, на мавқе изидан қувмаган бу одам, ўттиз тўрт йилдирки, ўша-ўша уролог-врач.

Қишнинг совуқ чилласи, ё жазирама ёз, барибир, у ҳаммаша соат эрталаб етти бўлма бир кўлида икки-уч дона газетани кўтарганча шифохона эшигига пайдо бўлади. Беморларнинг ҳилидан хабар олади. Улар тунни билан безовта бўлмай, хотиржам тонг оттирганликларига қаноат ҳосил қилган, янги бир гап айтади: — Ҳозиргина манавинда ўқидим, — дейди у қўлидаги га-

зетага ишора қилиб. — Олимлар медицина оқиллик қилаётган касаллиқнинг давосини топишибди. Ана шунанга, бу дунёда ўлимга чора йўқ, холос. Хали сиз ҳам отдай бўлиб кетасиз. Ортингиздан болаларингиз чопқиллаб юришади.

У бу гапларни шундай жиддий, қомил ишонч билан айтадики, беиктиёр беморнинг юзига илк табассум юради. У шундан сўнггина «Ха, гап дегани мана бу-

нақа бўпти» дегандек, бош иргаб чикиб кетади.

Аслида одамлар Мухаммадхон Қодировни шунинг учун ахтардилар. Шунинг учун эъзозлайдилар.


— Турмуш қурганимизга уч йил бўлдики, фарзанд кўрмадик, — дейди Р.Мухаммадхон. — Хотин-халажлар мулла-азайимхонга қатнашдан чарчашмас, мен бўлсам, орланиб бировга тиш бўлмасдим. Никоят, бир кун ирак ютиб, вилоят марказидаги урология шифохонасига бордим. Бир врач қабул қилди. Сўхбат чоғида Чортоқданлигимни билган, «Қодировни босмалаб кепсизда» деди. Сўнг ҳеч нарсага тушунмай анграйиб турганим учун «Бу соҳада ўзларингиздаги Мухаммадхон Қодировдан зўри йўқ», деб қўшиб қўйдим.

Унинг маслаҳати билан Қодировга учрадим. Даволандим. Яқинда Худо бизга ҳам бир киз берди. Энди бахтлимиз...

Бизнингча, шифокор учун бундан ортик бахт бўлмаса керак. Қолаверса, ҳар қайси касб-кор эгасининг обрўси унинг ивоннишонларида ёки эгаллаб турган мансаб-мавқеида эмас, балки элпарварлигида. Бу исбот талаб қилмайдиган мезон. Мухаммадхон Қодиров ҳам Чортоқ туманидаги турли соҳада ишлайдиган, феъл-атвори турлича одамларнинг меҳрини қозонган. Улар орасида эъзоз топган.

Қувонарлиси, туман тиббиёт бирлашмасида Мухаммадхон акага ўхшаган фидойи, эл соғлиги йўлида камарбаста шифокорлар талайгина. Масалан, ус-

КАСБ ФИДОЙИЛАРИ



С.АБДУРАҲМОВ,
журналист

Вниманию руководителей строительных организаций и предприятий!

Инжиниринговая компания «Служба единого заказчика» при хокимияте Бухарской области объявляет конкурсные торги

по объектам строительства, реконструкции и капитального ремонта, включенных в адресную программу на 2013 год:

№	Наименование и месторасположение объекта	Стартовая цена заказчика (сум)		Срок завершения строительства
		с НДС	без НДС	
Лот - 1				
Лот 1-1	«Реконструкция школы № 29 с новым учебным блоком на 360 учащихся и спортзалом размером 12х24м в КФЙ «Лоша» Бухарского района Бухарской области»	1 198 720 000	998 933 300	1 августа 2013 года
Лот 1-2	«Реконструкция школы № 26 с новым учебным блоком на 360 учащихся и спортзалом размером 12х24м в КФЙ «Шергирон» Бухарского района Бухарской области»	1 179 660 000	983 050 000	1 августа 2013 года
Лот - 2				
Лот 2-1	«Реконструкция школы № 23 с новым учебным блоком на 300 учащихся и спортзалом размером 12х24м в КФЙ «Сепатга» Жондорского района Бухарской области»	1 090 600 000	908 833 300	1 августа 2013 года
Лот 2-2	«Реконструкция школы № 46 с новым учебным блоком на 320 учащихся и спортзалом размером 12х24м в КФЙ «Ромиш» Жондорского района Бухарской области»	1 126 640 000	938 866 600	1 августа 2013 года
Лот - 3				
Лот 3-1	«Реконструкция школы № 27 с новым учебным блоком на 360 учащихся и спортзалом размером 12х24м в КФЙ «Соктари» Гиждуванского района Бухарской области»	1 248 720 000	1 040 600 000	1 августа 2013 года
Лот 3-2	«Реконструкция школы № 31 с новым учебным блоком на 360 учащихся и спортзалом размером 12х24м в КФЙ «Фиришкент» Гиждуванского района Бухарской области»	1 238 720 000	1 032 266 600	1 августа 2013 года
Лот - 4				
Лот 4-1	«Реконструкция школы № 32 с новым учебным блоком на 540 учащихся и спортзалом размером 12х24м в КФЙ «Пахтабод» Гиждуванского района Бухарской области»	1 713 080 000	1 427 566 600	1 августа 2013 года
Лот 4-2	«Реконструкция школы № 35 с новым учебным блоком на 240 учащихся в КФЙ «Денов» Шафирканского района Бухарской области»	602 480 000	502 066 600	1 августа 2013 года
Лот - 5				
Лот 5-1	«Реконструкция школы № 19 с новым учебным блоком на 300 учащихся и спортзала размером 12х24м в ССГ «Каракалпок» Пешкуновского района Бухарской области»	1 260 600 000	1 050 500 000	1 августа 2013 года
Лот 5-2	«Строительство общежития на 100 мест на территории педагогического профколледжа в КФЙ «Зарангари» Гиждуванского района Бухарской области»	1 079 070 600	899 225 500	1 августа 2013 года
Лот - 7				
Лот 7-1	«Реконструкция Бухарского городского медицинского объединения (III этап). Строительство семейной поликлиники № 7 на 200 посещений в смену в городе Бухаре»	1 400 000 000	1 166 666 600	1 августа 2013 года
Лот - 8				
Лот 8-1	«Капитальный ремонт профколледжа на 750 учащихся по профилю туризм в городе Бухаре Бухарской области»	628 618 340	523 848 616	1 августа 2013 года
Лот 8-2	«Капитальный ремонт профколледжа на 600 учащихся по профилю промышленность в Караулбазарском районе Бухарской области»	570 651 156	475 542 630	1 августа 2013 года
Лот 8-3	«Капитальный ремонт профколледжа на 810 учащихся по профилю сельское хозяйство в Алатском районе Бухарской области»	560 286 224	466 905 186	1 августа 2013 года
Лот 8-4	«Капитальный ремонт профколледжа на 650 учащихся по профилю промышленность в Каракульском районе Бухарской области»	519 153 816	432 628 180	1 августа 2013 года
Лот 8-5	«Капитальный ремонт профколледжа на 600 учащихся по профилю сельское хозяйство в районцентре Гала-Асия Бухарского района Бухарской области»	454 434 247	378 695 205	1 августа 2013 года
Лот - 9				
Лот 9-1	«Капитальный ремонт профколледжа на 900 учащихся по профилю бытовое обслуживание Шафирканского района Бухарской области»	570 421 572	475 351 310	1 августа 2013 года
Лот 9-2	«Капитальный ремонт профколледжа на 720 учащихся по профилю строительства и коммунального хозяйства Гиждуванского района Бухарской области»	525 014 663	437 512 219	1 августа 2013 года
Лот 9-3	«Капитальный ремонт школы № 5 на 844 учащихся Жондорского района Бухарской области»	419 849 910	349 874 925	1 июля 2013 года
Лот 9-4	«Капитальный ремонт школы № 7 на 432 учащихся Караулбазарского района Бухарской области»	207 285 144	172 737 620	1 июля 2013 года
Лот - 10				
Лот 10-2	«Реконструкция школы № 13 с новым учебным блоком на 80 учащихся в КФЙ «Мустанкилик» Каганского района Бухарской области»	265 500 000	221 250 000	1 августа 2013 года
Лот 10-3	«Реконструкция школы № 6 с новым учебным блоком на 180 учащихся и спортзалом размером 12х24м в КФЙ «Шуробод» Каракульского района Бухарской области»	938 800 000	782 333 300	1 августа 2013 года
	«Реконструкция Медицинского объединения в Жондорском районе Бухарской области (II этап). Строительство инфекционного корпуса на 40 коек и терапевтического корпуса на 30 коек в районцентре Жондор Жондорского района»	2 500 000 000	2 083 333 300	1 августа 2013 года

По объектам строительства и реконструкции со стартовой стоимостью до 500,0 млн.сум конкурсные торги проводятся исключительно среди субъектов малого бизнеса.

Размер квот для субъектов малого бизнеса по объектам капитального и текущего ремонта жилых и нежилых зданий составляет 100%.

Финансирование будет осуществляться за счет средств Республиканского бюджета и Внебюджетного фонда реконструкции, капитального ремонта и оснащения общеобразовательных и медицинских учреждений.

Организатор конкурсных торгов – Бухарский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве.

Заказчик: Инжиниринговая компания «Служба единого заказчика» при хокимияте Бухарской области. Адрес заказчика: г. Бухара, проспект Навои, 5 дом. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимых для выполнения работ (услуг), обла-

дать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных предложений с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в конкурсных торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору конкурсных торгов по адресу: г. Бухара, проспект Навои, 5 дом, 2-этаж, 18-кабинет. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – Сто тысяч сум.

Крайний срок представления ofert организатору конкурсных торгов ко дню и часу вскрытия ofert.

Вскрытие ofert состоится по истечении 30 дней после публикации объявления по адресу: г. Бухара, проспект Навои, 5 дом, 2-этаж, 18-кабинет.

СЕРЖАНТЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Эл-юртимиз осойишталигини таъминлаш йўлида меҳнат қилиш истагида сержантлик касбини танлаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг Сержантлар тайёрлаш олий курсида ана шундай мутахассислар тайёрланади. Мазкур курсни битирган юзлаб сержантлар бугунги кунда ички ишлар идораларининг турли хизматларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув курсини тамомлаган наватбадги би-



тирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант

Б.Матлюбов ва бошқалар мамлакатимизда ички ишлар тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юк-

сак самаралар бераётганини таъкидлади. Соҳа ходимларининг маънавий етуқ, жиоманон бақувват ҳамда ўз касбининг етуқ мутахассиси бўлиб етишиши учун барча шарт-шароит яратилгани қайд этилди.

Шу кунги мазкур академия худудида қуриб, фойдаланишга топширилган намунали милиция таъин пунктнинг очилиши ҳам бўлиб ўтди. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва соҳа учун зарур жиҳозлар билан таъминланган ушбу марказда бўлажак ички ишлар идоралари ходимлари амалий машғулотлар ўтказилади.

З.ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири

Вниманию организаций и предприятий!

ИК по КС хокимията Навоийской области ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

На объекты:

№ ш/п	Наименование объекта	Стартовая стоимость заказчика		Срок завершения строительства (месяц)
		без НДС	с НДС	
Объекты на 2012 год.				
1	«Детское отделение на 30 коек со станцией скорой помощи при Навбахорском РМО Навбахорского района Навоийской области» (повторно, на остаточную стоимость)	315 357 450	378 428 941	1
Финансирование осуществляется за счет средств фонда реконструкции, капитального ремонта и оснащения образовательных и медицинских учреждений.				
2	«Наружные внутриплощадочные сети теплоснабжения 176 микрорайона г.Навоий»	1 626 232 364	1 951 478 837	9
3	«Наружные сети водопровода и канализации 176 мкр-на г.Навоий Навоийской области»	613 293 030	735 951 636	9
Финансирование осуществляется за счет спонсорских средств и местного бюджета				
4	На разработка ПСД: «Строительство транзитного водовода УРВ Канмех-Дамходжа, для питьевого водоснабжения р/ц Канмех»	148 958 333	178 750 000	1
Финансирование осуществляется за счет средств государственного бюджета				
Объекты на 2013 год.				
ЛОТ №1.				
1	Лот №1-1. «Строительство учебного блока на 120 учащихся (6 классов) на территории школы №34 Навбахорского района Навоийской области»	233 476 276	280 171 530	6
2	Лот №1-2. «Учебный блок на 80 учащихся для капитальной реконструкции школы №47 на территории ш/ф Олтинсой село «Актау» Хатирчинского района Навоийской области»	153 842 158	184 610 590	6
3	Лот №1-3. «Учебный блок на 96 учащихся для капитальной реконструкции школы №80 на территории ш/х Олтинсой село «Ангидон» Хатирчинского района Навоийской области»	184 659 845	221 591 814	6
4	Лот №1-4. «Учебный блок на 140 учащихся для капитальной реконструкции школы №23 на территории КФЙ ПШоир село Чакиркул Хатирчинского района Навоийской области»	268 363 700	322 036 440	7
ЛОТ №2.				
5	Лот №2-1. «Капитальный ремонт школы №22 в селе «Кизилча» Нурагинского района Навоийской области»	169 606 276	203 527 531	6
6	Лот №2-2. «Капитальный ремонт здания Агротехсервисного профколледжа Кизилтепинского района Навоийской области»	436 932 493	524 318 991	7
7	Лот №2-3. «Капитальный ремонт здания производственного колледжа Карманинского района Навоийской области»	417 621 212	501 145 454	7
ЛОТ №3.				
8	Лот №3-1. «Капитальная реконструкция школы №46 со строительством общеобразовательной школы на 240 учащихся Хатирчинского района Навоийской области»	768 614 316	922 337 179	9
9	Лот №3-2. «Строительство учебного блока на 160 учащихся (8 классов) на территории школы №40 Кзылтепинского района Навоийской области»	307 157 005	368 588 406	6
ЛОТ №4.				
10	Лот №4-1. «Строительство общежития на 100 мест колледжа по направлению горного дела на территории ССН «Абай» г.Учкудук Навоийской области»	751 049 786	901 259 743	9
11	Лот №4-2. «Капитальный ремонт существующих зданий колледжа по направлению агросервиса Хатирчинского района Навоийской области»	525 574 383	630 689 260	7
ЛОТ №6.				
12	Лот №6-1. «Капитальная реконструкция школы №25 ш/х «Абай» ССГ «Боймурод» Канмехского района Навоийской области»	184 083 391	220 900 069	6
13	Лот №6-2. «Строительство учебного блока на 96 учащихся на территории школы №23 в селе «Кушкудук» Нурагинского района Навоийской области»	198 478 567	238 174 280	6
14	Лот №6-3. «Капитальный ремонт школы №16 г.Навоий Навоийской области»	372 580 973	447 097 167	6
15	«Реконструкция школы №19 со строительством учебного блока на 216 учащихся в ф/х «Охунбобоев» КФЙ «Янгийул» Навбахорского района Навоийской области»	861 952 377	1 034 342 852	9

По позициям № 1, 2, 3, 4 вышеуказанной таблицы, ранее вышедшее объявление, указанное в газете «Ишонч» за № 134 от 10 ноября 2012 года, аннулируется.

По объекту «Детское отделение на 30 коек со станцией скорой помощи при Навбахорском РМО Навбахорского района Навоийской области» (повторно, на остаточную стоимость) на основании плана контроля от 10.01.2012 года за № 02/1-925, утвержденного Премьер-Министром Р.Уз., «Об Инвестиционной программе Р.Уз на 2012 год» срок тендерных торгов при отборе подрядных организаций сокращается до 15 дней.

Заказчик: ИК по КС хокимията Навоийской области. Расположенный: г.Навоий, ул.Навоий-63.

(строительство и реконструкция всех объектов до 500 млн.сум – конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса, свыше 500 млн.сум – при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимых для выполнения работ (услуг), обла-

дать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных предложений с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу г.Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 22.5.49.96, 22.5.47.98

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98

Крайний срок представления ofert организатору торгов ко дню и часу вскрытия ofert.

Вскрытие ofert состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Вилоят мухбири бўлиш осонми?

Бугунги давр — шиддат билан ўзгариб бораётган тезкор, глобализация даври. Бу оммавий ахборот воситалари охидаги вазифалар кўламини янада кенгайтириб, улар зиммасига улкан масъулият юклатмоқда. Албатта, ушбу вазифаларнинг муваффақияти билан адо этилишида республика оммавий ахборот воситаларининг вилоятлардаги вакиллари ҳам ўз ўрни, ҳиссаси бор.

Ҳўш марказий нашрлар, радио ёки телевидениенинг қизгин ҳаёти ичида фаолият кўрсатаётган вилоят мухбирлари охида бугун қандай вазифалар турибди? Вилоят ҳаётини, у ерда содир бўлаётган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисаларни, қолаверса, мавжуд муаммо ва камчиликларни ёритишда нималарга эътибор қаратиш лозим? Умуман, вилоят мухбирдан бугун нима талаб қилинмоқда? Шу ва шу каби саволларимизга жавоб топиш мақсадида соҳа вакиллари ўзларига мурожаат қилдик.

Ферузахон СИДИҚОВА,
“O‘zbekiston” радиоканалининг
Андижон вилояти бўйича мухбири,
“Олтин қалам” миллий
мукофоти совриндори:



— Бугунги тезкор замонда барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳам кучли рақобат мавжуд. Аҳолига муҳим ахборотларни ўз вақтида етказиш ва уларнинг диллигини айта олиш у даражада осон иш эмас. Айниқса, бошқа оммавий ахборот воситаларидан фарқи равишда тезкорлиқни талаб этувчи радио ва телевидениенинг вилоят мухбири бўлишда ҳам шундай талаб бўлади.


Мамлакатимизда давлат ва нодавлат радиоканаллар сонининг кўпайиб бораётгани тингловчи талаш имконини беради. Бу эса ижодкорни тинимсиз излашга ундайди. Радиоканалининг вилоят бўйича мухбири ўша ҳудудда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни, юрдошларнинг кайфияти, орзу-ўйларини бошқа ОАВлардан фарқи ўларок, фақат сўз, оҳанг ва сўхбатдошнинг фикрлари орқали етказиб бериши керак. Тингловчига шу воқеа-ҳодисаларни бор бўйича тасаввур эта олиш имкониятини яратиб бериши зарур. Айтайлик, кечадан бутунлай фарқ қилувчи, тараққиётнинг янги босқичига кўтарилган Андижоннинг бугунги ёритиш мен учун унчалик осон эмас. Негаки, амалга оширилаётган ҳар бир қурилиш ва бунёдкорлик жараёнида неча минглаб юрдошларимизнинг меҳнати мутасам. Уларнинг ҳар бирининг меҳнатини эътироф этиш учун билим ва тафаккурим, ижодий салоҳиятим юксак бўлиши керак, деб ўйлайман.

Халқимиздаги яратувчанлик, янгилликка интилувчанликни

тўғри келади. Шу боис, вилоят мухбирининг диапазони кенг, ҳамма соҳада бирдек ўқишли мақола ёза оладиган малакали ижодкор бўлиш талаб этилади.

Қолаверса, вилоятнинг ҳар қуни ўсиш-ўзгаришлардан иборат ҳаётини акс эттириш учун ҳозиржавоблик, чуқур билимдонлик ва ижодий маҳорат зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоят мухбири тахрират муҳаррири даражасида фикрлайдиган, ҳулоса чиқарадиган ва ўз нашининг обрўини кўтарадиган киши бўлмоғи лозим.

Яқинда кўпдан кўп оммавий ахборот воситалари ходимларини анжуманга таклиф этган вилоят раҳбарларидан бири ўзаро ҳамкорлик, ишонч-самимият ҳақида фикр юритар экан, республика газеталарининг вилоятдаги вакиллари ҳақида тўхталиб, “Буллар ҳам бизнинг одамларимиз, улардан яширадиган гапимиз йўқ”, деб қолди.



Қизиқ, вилоят мухбири вилоятнинг “ўз одами” бўлиши учун нима қилиш керак, қандай сифатларни ўзида мутасам этиши талаб қилинади? Ижодий маҳорат, ҳозиржавоблик, ишчанликнинг ўзи қифоми? Ёки озгина босқичлик, вазминлик, андиша, ёзганларининг оқибати ҳақида олдиндан ўйлаб қўриши керак бўлади? Аслида, журналист ким учун; нима учун ёзади? Башарти, ёзганлари бирова маълум келмаса — бу унинг журналистик позициясидан келиб чиқиб, эътиёткорга айланб қолиши учун сабаб-баҳона бўла оладими?

Фикримча, журналист ҳар қандай вазиятда нафақат тахрират, раҳбарият талаб-муддаосидан, балки ўз фуқаролик позициясидан келиб чиққан ҳолда ҳолисона, самимий мақола тайёрлаши лозим. “Правда Востока” газетасининг Самарқанддаги мухбири Наталья Шакировнага мақола ҳақида ёзган салкам бир сатрли мақола қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлганини яши эслайман. Чунки мақолада жамоатчилик мухомаммасига ташлаш аризулик, муаммога чуқур дахлдорлик билан суғорилган фикрлар бор эди. Шу боис, вилоят раҳбарияти доирасида мухбирга нисбатан “Мана бундан ватанпарварлик, журналистга хос жасорат деса бўлади” деган қисқалгина эътироф ҳаммасимни қанчалик қувонтирганини ҳам яши эслайман.

Демак, вилоятнинг “ўз одами” бўлиш учун фақат тантананаю-ғалабалар ҳақида қалам тебратиш, олқиш олишни қутиб юриш шарт эмас. Ҳар сафар дуч келган муаммонинг ичига чуқур кириб бориш, самимий ва холисона фикр юритиш лозим.

Токи, ёзганларингиздан бировларга наф тегин.

— Мен эфирга чиқадиган олдин экранда айтадиган ҳар битта танқидий гап-сўзимни, аввало, вилоятдаги тегишли раҳбарлар билан маслаҳатлашиб оламан, — дейди тележурналистикда “тирикчилик” қилаётган ҳамкасбларимдан бири. Танқиднинг бировлар томонидан “ҳазм” этилиши ёки танқиднинг билан мақсадида олдиндан “маслаҳатлашиб олиш” ёки шунчаки келишиб қўйиш қанчалик тўғри ё не тўғри эканлигини биламиз. Лекин жамоатчилик экран орқали айтилаётган ҳар битта сўзнинг самимий ёки носамимийлигини яши англаб туради. Ҳақиқатга ёлғонни озгина бўлса-да, қориштириб қўйган тележурналистнинг кўзи, журъатсизроқ чиққан сўзи панд бериб қўйиш турган гап.

Ҳа, журналист одобига оид яна бир мулоҳаза. Бу ҳақда гапирмасликнинг илоҳий йўқ. “Хушқаломлик билан ёзиладиган мақолаларингизни кўйингда, ҳар сафар танқид ёзинг. Шунда сиздан ҳайиқиб қоришадим” деб маслаҳат бермоқчи бўлган ўзи шу усулни маълум қўрадиган ҳамкасбларимдан бири. Тўғри, танқид керак! Шу боис, журналистни газак олиб кетиши мумкин бўлган дардани тузатуви жарроҳга қиёслашади. Лекин...

Анча вақт муқаддам бир шикоят изидан “Адолат” газетасига танқидий мақола тайёрлашга тўғри келганди. Ушунда мақолаи ёзиш, ёзганда ҳам ҳар битта сўзи, жумласини тарозидан ўлчангандек ёзиш мен учун қийин бўлган эди. Чунки шикоятчининг ҳуқуқи бузилишига қайсидир маънода сабабчи бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари бу гал журналистни олдиндан қўчириб қўйишмоқчи бўлишганди. Тахрират мени қўлаб-қувватлади. Танқидий мақола “Адолат”га оlingan тош” сарлаҳаси остида “ёлғон” қилинди. Бу мухомама этилган давраларда тегишли мунособат уйғота олди. Ушунда мен кимнидир ҳайиқтириб қўйиш учун эмас, ёрдам сўраб келган шикоятчини ёлғон ва ҳақсизлик қаршида ёлғиз қолдирмаслик учун қўлимга қалам олган эдим. Бу жараёнда танқид эрмак учун ёзилмаслигини ўзим учун яна бир қарра англаб олдим.

Мен фаолият юритаётган “Адолат” газетаси ижтимоий сиёсий нашр ҳисоблангани туфайли асосан партиявий мавзуда, сиёсий рақобат ҳақида ёзишга тўғри келади. Таъинларимдан айрилари сиёсатни зерикарли мавзу деб ҳисоблашди. Менимча, ўз фаолияти ҳақида ҳисоб беришни унутиб қўйган ижро бўғинидаги раҳбарларнинг иш удумига мослашувчан партия кенгаши ёки ҳоким имлаганда “лаббай” деб ошқандагидан депутатнинг фаолиятсизлиги ҳақида ёзиш зерикарли эмас. Асло! Зеро, сиёсий ислохотларни амалга оширишда журналистларнинг зиммасида ҳам катта масъулият бор.

Инсон тоза ҳаводан бағри тўлиб нафас олганда ўзини соғлом сезганидек, жамият ҳам тоза ҳаво нафасини ҳар қуни, ҳар сония ҳис этиб туриши керак. Ватанга, жамиятга дахл-

дорлик ҳиссини уйғотадиган мана шундай тоза иқлими яратадиганлар қаторида сизу биз журналистлар борлигини эсдан чиқармасак бўлгани.

Муаттар АСАДОВА, «Yoshlar» телерадиокомпаниясининг Бухоро вилояти бўйича ўз мухбири:



— 2006 йилда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини томонладим. 2010 йили «Yoshlar» телеканалининг Бухоро вилояти бўйича ўз мухбири лавозимида иш бошладим.

Телевидение мухбирининг иш қуни таассуротлар дунёсига ўхшайди. Бир вақтнинг ўзида турли соҳа вакиллари, касб эгалари билан ҳамсуҳбат бўлишга тўғри келади. Доим уларнинг касб сирлари ва муваффақиятлари омиллини ёритишга, томошабинларнинг маънавий дунёқарашини оширишга ҳаракат қилади. Бу ундан талаб қилинадиган асосий вазифа, масъулият. Мана шу масъулият ҳисси мени ҳам ўз касбимга меҳр билан ёндашишга ундайди. Нафақат телевидениенинг вилоят мухбирида, балки ҳар бир журналиста қучли билим ва дунёқараш, ўз фикри ва позициясини ақил ҳисси бўлиши керак. Ҳар бир жараён, воқеликни ёритишда ҳолислик мезонларига таяниши лозим.

Вилоят мухбири муайян мавзунини, айниқса, маълум бир муаммоли масала илгари сурилган мавзунини ёритишда ҳар бир детални синчковлик билан ўрганиши мақсада мувофиқ. Яна бир масъулият борки, у тайёрланган материал учун жавобгарлик ҳисси. Бу ҳам мухбирдан юксак касбий маҳоратни талаб қилади.

Менимча, вилоят мухбири шахсий ҳаётда, ишда, оилада ҳаммага ўрناк бўлиши керак. Нега деганда, жамиятнинг илгор вакили сифатида сиздан кўпчилик ибрат олади.

Ҳамкасбларимиз мулоҳазаларидан шундай ҳулосага келиши мумкин: вилоят мухбири бўлиш осон эмас. Ундан холислик, синчковлик, тезкорлик ва бошқа кўпга касбий сифатларга эга бўлиш талаб қилинади. Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганидек, журналистлар халқ ва давлат ўртасидеги кўприк. Бу вазифани бажариш машаққати ва завқи учун катта куч ва чидам керак бўлади.

Зулхумор ТҮРАЕВА,
ЎЗМУ журналистика
факультети талабаси,
«Hurriyat»
маҳорат мактаби аъзоси

...Яқинда бир америкалик қўшиқчи аёл турмушга чиқибди. Тўйга АҚШ конгрессменлари, йирик тижоратчилар, Голливуднинг энг машҳур актёрлари ташриф буюришибди. Ажабки, бу қўшиқчининг учинчи марта турмушга чиқиши экан. Аввалги эридан бир қизи бор эмиш. Тўйга миллион доллардан ортиқ пул сарфланибди...

Матбуот ва Манфаат

Яна бир фарб оилаларида юзага келган вазият тақозосига кўра Артур укалари билан отадаги суд укалари фойдасига ҳукм чиқарди. Артур эса бу қарордан норози. Унинг фикрича, катта ўйилга кўпроқ мол-мулк тегиши керак эмиш.

Бундай шов-шувли, лекин воқелигимизга мутлақо ёт ахборотларни қундалик кўнгилочар оммавий ахборот воситаларида деярли ҳар қуни ўқиймиз, эшитамиз. Ҳатто бу машғулот айрим юрдошларимизнинг қундалик эҳтиёжига айланган десак, лоф бўлмайди. Ҳа, ҳар қандай ахборотнинг ўзи истеъмолчиси бор. Шундай экан, уни етказиб бериш ҳам топилади. Ахборот соҳасининг қун сайин ривожланишининг сабаби ҳам шунда. Бугунги кунда ахборотни тарқатиш шу даражага етдики, ундаги мезон ва талаблар иккинчи ўринга тушиб қолди. Хабарнинг ҳаққонийлиги ҳамда холислиги йўқолиб, бозоригиллиги қучайди. Пировард-натияжада ахборот бозорига ноҳолис маълумотлар тарқатиш ҳисобига мўмай даромад қўраётган нашрларнинг сони ҳам, тури ҳам ошиб борапти. Шу ўринда бир мисол келтирамиз. Хорижий оммавий ахборот воситалари охириги икки-уч йилда қиёмат қуни яқин қолгани хусусида тинмай бонг уришмоқда. “Майя” қабиласининг тақвимида кўра, “фалон қуни ҳаёт тугайди”, “Қоинотдаги номаълум сайёранинг Ерга яқинлашаётгани заминдаги ҳаёт учун ҳаф тугдирмоқда” мазмундаги шов-шувли хабарлари анчадан буён эшитиб юрибмиз. Аммо уларнинг ҳеч бирида илмий асос йўқ.

Афсуски, дунёдаги миллионлаб ўқувчиларга ана шундай тағи пуч, асоссиз хабарлар тинмай тарқатилаяпти. Бир қатор нашрлар бунинг орқасидан адаллари сонини ошириб, иқтисодий манфаат қўришмоқда. XXI асрда ахборот товарга айланиб улгурди. Ана шу омил соҳада манфаат тушунчасини пайдо қилди. Бу табиий. Зеро, пул бор жойда манфаат ҳам бўлади.

Ахборот тарқатишда фойда қўриш илнжи биринчи навбатда кўпга мамлакатларнинг миллий қадриятларига жиддий зарар етказаяпти. Бунинг охиридаги икки ахборот мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Уни чуқурроқ таҳлил қилсангиз, ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз. Бинобарин, АҚШлик қўшиқчининг учинчи марта турмушга чиқишининг биз учун ҳеч қандай ибратли жиҳати йўқ. Боз устига, бунинг тўрт-беш марта эшитган киши психологиясида уч марта турмуш қуриш оддий ҳол экани хусусида нотўғри фикр пайдо бўлиши табиий. Натияжада, бора-бора бизнинг оила муқаддаслиги тўғрисида айтаятган ўзбекона гап-сўзларимиз айрим ёшлар учун оддий “чўпчак” бўлиб туола, ажабмас. Ёки бўлмаса, тўйга миллион доллардан ортиқ пул сарфлангани тўғрисидаги маълумотни олайлик. Бу хабар пул топиб, ақл толмаган айрим кимсаларда шундай дабдалга тўйга ҳавас уйғотмайдими? Эҳтимолки, бугунги тўйларда ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўйилганнинг асл сабаби ҳам ана шу каби ахборотлар таъсиридандир.

Ҳар бир миллат ўзининг миллий анъаналарига эга. Бизда ҳам шундай. Ўзбек халқидеги оилаларчилик, болажонлик, меҳнатсеварлик каби ҳислатлар унинг миллий характериини белгилайди. Афсуски, сўнгги пайтларда юқоридеги каби шов-шувли хабарлар айрим кишилар онгига салбий таъсир эртаётганиданми, ҳарқалай, оила ва фарзандлар масаласига юзаки қараш, дабдабаозлик, исрофгарчилик каби иллатларни урчитмоқда.

Ҳўш, ота мулкни таллашиб, бир-бирига билан сунглашаётган ака-укаларга қайси ўзбек ҳавас қилади? Ҳолбуки, энг қийин шариоатда ҳам халқимиз ога-иниси билан мерос талашмаган. Ота мулкни таллаш ҳақида-ку ҳеч қим ўйламаган.

Афсуски, миллий чегараларни назар-писанд қилмасдан турли оммавий ахборот воситалари орқали онгимизга бостириб қираётган бу каби хабар ва мақолаларнинг ҳақ-чегараси йўқ. Биз эндиликда улардан ҳимояланишни ўрганишимиз керак, ҳатто шарт. Мутахассислар бунинг икки йўлини тавсия қилишмоқда. Биринчиси, интернетдан фойдаланишни бутунлай чеклаб қўйиш бўлса, иккинчиси, ахборотнинг психологик ҳавфсизлигини таъминлаш ва гоёвий курашларга қодир миллий ахборот майдонини яратиш.

Табиийки, биринчи усул тўғри эмас. Чунки ахборотни чеклаш халқро меъёрларга мос келмайди. Бундан ташқари, бугун одамлар ахборотни қундалик эҳтиёж сифатида қабул қилиб бўлишган. Демак, ахборотнинг психологик ҳавфсизлигини таъминлаш ва миллий ахборот майдонини яратиш эса айнан оқилона йўл. Зотан, бу — урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимизни асраб қолишнинг ягона усули. Чунки умум манфаатга эътиб етказадиган ахборот бор экан, ундан ҳимояланиш ҳам зарур.

Тарихий нуқтаи назардан қаралганда, бизда матбуот ижтимоий зарурат туфайли пайдо бўлган. Халқимиз доимо матбуот сўзига ишонган, уни ҳурмат қилган. Айнан шунинг ўзи ҳам бизда матбуотнинг ижтимоий вазифаси ўта юксак эканидан далолат беради.

Аммо ҳоҳлаймизми-йўқми, юртимиздаги оммавий ахборот воситалари орасида дунёдаги сариқ матбуот деб ном олган нашрлардан нусха олаётганлари ҳам йўқ эмас. Чунки бозор иқтисодиёти оммавий ахборот воситаларини ҳам четлаб ўтмайди. Аммо бу тижорийлашув миллий манфаатларимизни четга турмай қўймаслиги, уни ижтимоий вазифасидан қалғитмаслиги лозим.

Ҳасан САЛОМОВ,
“Hurriyat” мухбири


ИНТЕРНЕТ АНЪАНАВИЙ ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ КУШАНДАСИМИ?

Интернет журналистика интернетнинг ривожланиши ва кенг тарқалиши натижасида XX аср охирида вужудга келган ОАВнинг янги кўринишидир. Ҳозирда бутун дунёда жамоатчилиги, наشريётлар ва ижодий доирадаги кишилар интернет журналистика анъанавий ОАВни сиқиб чиқариши мумкинлиги тўғрисида бош қотиряпти. Лекин интернет журналистиканинг устун жиҳатлари анъанавий журналистикани тўлдириб, уни кенгайтиради, деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Шу жиҳатдан ёндашсак, у анъанавий журналистикага рақобатдош эмас, балки ҳамкорлик қилаётганини кўраемиз. Айтганларимизнинг тасдиғини қўйидаги мисолларда кўриш мумкин.

«Louisville Courier Journal» нашрининг ташқи ишлар бўйича тақризчиси П.Бьюмонтнинг таъкидлашича, Миср инқилоби даврида интернетга улашиш мумкин бўлмаганда у воқеаларни қозоғга ёзиб, сўнгра телефон орқали хабарлаш турган. Грузия ва Абхазияда бўлиб ўтган ҳодисаларда эса профессионал журналистларнинг воқеа ҳудудига кириши тақиқланган. Бу ҳолатда маҳаллий аҳоли маълумотлар ва янгилликларни интернетга жойлай бошлаган. Шу тариха жамо-

атчилик жанжал ўқоғида содир бўлган воқеалардан хабардор бўлиб турган.

АҚШнинг рақамли журналистика маркази директори Эмили Белл интернетнинг ОАВга кўмакчи экани тўғрисида қуйидагича фикр билдирган: «2001 йилнинг 11 сентябрида содир бўлган фожияларда бўлаётган воқеаларни кўриш учун одамлар интернетга улашишган. Шу билан бир-бирига, кўзалари билан кўрганлари ва билганларини форумда ёзишган, ўзла-



рининг ва бошқалардан олган маълумотларини бирлаштириб бизга юборишган. Бу маълумотлар ҳам бўлса-да, шу заҳотиёқ эфирга узатилган».

Интернет журналистика билан анъанавий журналистикани бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлса-да, тенглаштириш тўғри эмас. Чунки улар ўртасида катта фарқ ва нозик жиҳатлар мавжуд. Газетада қўланилган сўз билан интернетда сўзга бўлган муносабат турлича. Интернетда мақола жойлаштирилганда ўзгарма қайта-қайта кириб, сўзларни ўзгартириш мумкин. Босма ОАВда мақола чоп этилиши эса масъулияти кат-

та. Газета нашр этилганидан сўнг орқага йўл йўқ. Шу ўринда интернетнинг репортёр касбига салбий таъсир кўрсатишини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Ҳозир интернетга кириб янгилик ва бошқа керакли ахборотни олиб янги материал ёзиш мумкин. Бу журналистнинг изланувчанлик хусусиятларини пайсаятиради.

Экспертларнинг фикрича, кросс-медиа, яъни ахборот узатишнинг турли усулларининг умумий маҳсулот белгиси остида бирилашиши — ОАВнинг келажакдир. Бундан қўланган мақсад анъанавий босма ОАВ, радио ва телевидениенинг интернет билан самарали, рақобатсиз иш олиб

боришидир. Лекин кроссмедиа стратегияси борасидаги фикрларга қўшилмайдиغانлар ҳам бор. Улар электрон нашрлар юзаки ҳамда иккинчи тоифали, деб ҳисоблайдилар. Аслида эса босма ва электрон нашрлар бир танганин икки томонидир. Танганин биринчи томонида газеталар, яъни катта ҳажмдаги чуқур ўрганилган мақолалар, асосли репортажлар, яъни таҳлил қилинган воқеалар ҳамда ишдан кейин шовилмасдан, роҳатланиб ўқиладиган ахборотлар туради. Иккинчи томонида эса электрон версия, яъни жуда ақтуал, керак бўлганда дақиқалар давомида ўзгариб турадиган хроника, тўлиқ архив бошқа сайтларга тезлик билан ўтиш, фикр алмашиш турибди. Яна буларга видеороликларнинг қўрилиши матн ёрдамида тасвирлаб беришнинг илоҳий бўлмаган ахборотни етказиб берапти.

Интернет-телевидение ва радио, интернет-газеталар катта шиддат билан ривожланмоқда. Деярли барча газеталар ўз электрон версияларига эга. Уларнинг сайтидаги материаллар газета сонининг сотувга чиқишидан олдин пайдо бўлади. Бу эса

газета муштарийларининг маълумоти олиб келиши мумкин. Лекин аслида интернетдан аудитория сонини кенгайтиришда фойдаланилади.

Анъанавий журналистика интернет ёрдамида нафақат яшаб қолади, балки гуллаб-яшнайдир. Ноширлар янги технологияларнинг ҳамкорлик қилини қабул қиладилар, оғир ишни ўз елкаларига юклатмасдан, ишлаб чиқаришни янгидан жиҳозлайдилар, ишни тақсимлаш стратегияларини ўзгартирадилар.

Интернет тизими журналистиканинг янги томонга ўзгаришига олиб қолди. Нархи паст бўлган сабабли оммавийлашди. Истаган инсон учун «online» маълумотлар базасидан фойдаланиш, қидирув, «Skype» орқали интервью олиш имкони очилди. Бундан шариоатда ОАВ ўз фаолиятини сақлаб қолиш учун ҳам ўзгариши керак. Электрон ОАВ бундан кейин ҳам шиддат билан ривожланишда давом этади. Лекин бу журнал ва газеталар тез орада йўқолиб кетади, деган гап эмас.

Қамола ФАЙЗУЛЛАЕВА,
ЎЗМУ журналистика факультети
II курс талабаси

ДАРАКЛАР

БЕБАХО АСАРЛАР КИМОШДИ САВДОСИ

Нью-Йоркдаги Sotheby's кимошди савдосида 1932 йил Пабло Пикассо томонидан яратилган "Лолалар натюрморти" асари энг юқори нархга баҳоланди. Бу ҳақда "France-Presse" ахборот агентлиги хабар тарқатди.



41,5 миллион АҚШ долларига сотилган мазкур санъат асариди муаллифининг илҳом манбаи бўлмиш севгили Мари-Тереза Вальтер тимсоли акс эттирилган. Шу кунги савдоларда Вальтер тасвирланган "Дераза олдидаги аёл" номли яна бир сурат 17,2 миллион долларга пулланди. Шунингдек, кимошди савдосига қўйилган Клод Моне, Пол Сезанн ва Генри Мурнинг санъат асарлари ҳам мўмайгина пулга сотилди.


Айтиш жоизки, кимошди савдосида Пабло Пикассонинг ҳамма асарлари ҳам харидорлар томонидан илқ кутиб олинмади. Рассомнинг "Бир туп помидор" ва "Яшил қўйлақдаги аёл" номли асарлари аукцион иштирокчиларида қизиқиб уйғотмагани боис савдодан олиб қўйилди.

КАЛЬКУЛЯТОРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАКИКЛАНАДИ

Буюк Британиянинг Таълим ҳамда болаларни ижтимоий ҳимоялаш вазирини Элизабет Трасс мактабларда давлат имтиҳонларидан ўтаётган 11 ёшли ўқувчиларга калькулятордан фойдаланиш тақиқлашни ҳақида маълум қилди.

Вазирлик, шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларига ҳам ҳисоблагичлардан фойдаланишни чегаралаб қўймоқчи. Ушбу ўзгаришлар 2014 йилдан бошлаб қўйиладиган, деб хабар беради "BBC News".

Шу кунгача Англияда ўқув режасига қўра, 7 ёшдан бошлаб мактаб ўқувчиларига калькулятор билан ишлаш ўргатиб келинади. Вазирлик сайтида маълум қилинишича, эндиликда ўқувчилар муқтақил равишда қўйиш, айириш, бўлиш ва кўпайтиришни ўрганиб олишга, 4-синфдан бошлаб калькулятордан фойдаланишларига рухсат берилди.



Кўп йиллик ОРЗУЛАР УШАЛАДИГАН БЎЛДИ

"The Sun" нашрининг ёзишича, Хитойда 88 йил бирга умр узаролик қилган эр-хотин У Цунхън ва У Суншия нархот тўй альбомини учун суратга тушишга муваффақ бўлишди.



Суратларда 101 ёшли У Цунхън ва унинг 103 ёшли рафиқаси У Суншия тўй тўйларидида намоён бўлишди. "Келин" қаймоқранг бурама қўйлак ва ёпинчикда, "куёв" эса костюм кийиб, капалакли галстук таққан. У Суншиянинг қўлида қизил аттиргуя гулдастаси. Нашрада таъкидлашишича, 1924 йил Хитойда фотокамералар унқалик оммалашмаган. Шу боис, У Цунхън ва У Суншия ўз тўй кунларида эсдалик учун суратга тушишни иложини топа олишмаган.

20 ДОЛЛАРГА ПЛАНШЕТ

"France-Press" ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қўра, Хиндистонда нархи 20 АҚШ долларга тенг "Aakash 2" планшет ишлаб чиқарилди.

Қурилма шаб-қароргоҳи Буюк Британияда жойлашган DanaWind компанияси томонидан ишланди. "Aakash 2" планшет 7 дюм ҳажмдаги экран, Cortex-A8 гигагерцли процессор, 512 мегабайт оператив ҳамда 4 гига ички хотирага эга. Унда, шунингдек, Wi-Fi хизмати ва видеоқўнғирок учун мўлжалланган олджамера ҳам мавжуд.

Android 4.0 дастури ёрдамида бошқариладиган мазкур қурилманинг биринчи кўриниши 2011 йил ишлаб чиқарилган бўлиб, 35 долларга баҳоланганди. Янги қурилманинг аввалгисидан асосий афзаллик жиҳати шундаки, унинг ишлаш қуввати кўп вақтга етади.

21 КИЛОГРАММЛИК ЎСИМТА

Германиялик шифокорлар 21 килограммлик ўсимтани жарроҳлик йўли билан олиб ташлаб, ўта мураккаб операцияни муваффақиятли якунлашди. "Thuringer Allgemeine" нашри бу ҳақда хабар берди.



Маълум бўлишича, Альтенбургдаги касалхона бош шифокори Риго Фойтг хузурига 71 ёшли пенсионер ваэни оғир эканидан шикоят қилиб келган. Текширувлар натижасида мижознинг қорин бўлиғида 40 сантиметр узунликдаги ўсма борлиги аниқланди.

Фойтг 3 соат давом этган жарроҳлик амалиёти ҳақида сўзлар экан, операция жарроҳлар учун жиддий қийинчилик туғдирганини айтиб ўтди. Аммо шунга қарамай, муваффақиятли якунланди. 21 килограммга енгиллашган қария эса эндиликда ўзини яхши ҳис этиб, соғлигини тикламоқда.

ИЗҚУВАРЛАР ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Кенияда чорва молларини ўғирлашни касб қилиб олган бир гуруҳ жиноятчилар изига тушган полиция ходимларининг 42 нафари отиб ўлдирилди. Қонун посбонларидан 9 нафарини омон қолган, улардан айримларининг аҳволи жуда оғир.



Воқеа мамлакат шимолидаги Самбуру қишлоғи ҳудудидида содир бўлди. Полициячилар чорва молларини ўғирлаган қўшни қабила вакилларининг изига тушишди. Энди ўғирланган моллар сақланадиган жойни аниқлаш керак эди, аммо ваэни ўз назоратига олган жиноятчилар пистирмадан туриб изқуварларни аёвсиз ўққа тутган. "Reuters" ахборот агентлиги тарқатган хабарда қайд этилишича, жиноятчиларнинг ақсарияти аввал мамлакат қуролли қучларида хизмат кўрсатган шахслар бўлган.


Кенияда бу каби қотилликлар тез-тез содир бўлиб туради. Масалан, сентябрь ойида Тана қишлоғидаги тўқнашувлар натижасида юздан ортиқ киши бевақ дунёдан кўз юмган эди.

Интернет хабарлари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Шарҳ

Туризм – иқтисодиёт таянчи

Халқаро туристик бизнес жаҳон иқтисодиётининг муҳим индустриал соҳаларидан бири ҳисобланади. Халқаро сайёҳликни замонавий, илмий асосланган ҳолда амалга ошириш гоёсини рўёбга чиқариш XIX асрнинг 40-йилларига тўғри келган бўлиб, бу жараён саноатнинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг такомиллашуви билан боғлиқдир. Бу вақтга келиб туристик саёҳатлар поездлар, автомобильлар ва пароходларда амалга оширила бошланди.



Инсонларнинг меҳнат қобилиятини сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган ижтимоий стратегиянинг муҳим соҳаларидан бири бўлган туризмнинг сезиларли даражада фаолият кўрсатиши учун етарли шароитлар асосан XIX асрдан пайдо бўла бошлаган. Бу даврда иқтисодий томондан ўзини унглаб олган мамлакатларда кишилар оламни кенгроқ билиш мақсадида дунёнинг турли бурчакларига саёҳат қила бошладилар. Замонавий, ҳар томонлама пухта ишланган режа асосида туризмнинг янги босқичини дунёда биринчи бўлиб Буюк Британиялик Томас Кук 1841 йилда бошлаб берди. У олдинги касбин ташлаб, бор имкониятини халқаро саёҳатларни ташкил этиш масалаларининг пасту-баланди ҳақида бош қотира бошлади.

Томас Кук замонавий туризмни Англиянинг икки шаҳри орасида "амалга оширди": У "Temperance" "Яшил ой" жамияти аъзоларини Долгборг шаҳрида ичкиликка қарши кураш масаласига бағишланган анжуманга олиб бориш учун поездни ижарага олди. "Midland Railways" ширкати билан шартнома тузган Кук биринчи марта махсус бориш-қайтиш чипталарини бостиради ва Ланкастер-Долгборг орасида йўл саёҳатини такомиллаштирилган ҳолда амалга оширишга эришди. Бу саёҳатнинг нархи киши бошига бир шиллингдан тўри келди. Бу нарх ўша пайтда энг арзон ҳисобланар эди. Кукнинг ўзи ҳам бу жамиятга аъзо бўлгани учун саёҳатдан фойда олмади, лекин қилган хайрли ишдан нафақат жамият аъзолари, балки бошқа кишилар ҳам нафақадор бўлгани учун бу ишни катта бизнесга айлантиришга қарор қилди.

Шундан сўнг у 1846 йили фаолиятини ривожлантириш мақсадида Шотландияга поезд ва пароходда саёҳатлар уюштирди. Натижа самарали бўлди. Энди бундай саёҳатлар дастурларини ишлаб чиқиб пул топиш Кук ва унинг ўғли учун бизнес фаолиятига айланб улгурган эди. Кук 1860 йилда Лондон шаҳрида дунёда биринчи бўлиб ўзининг хусусий «Thomas Cook Travel» туристик корхонасини очди. Бу корхона ҳозирги кунда ҳам ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Туризмнинг халқаро миқёсда кенг оммалашуви, аввало, ундан инсон олдидан баҳра — нарх-ба-ранг таассуротлардан ҳосил бўлган фикр ва тасавурларнинг янада бойиши билан боғлиқ. Ҳар қандай сафар инсоннинг руҳий ҳолатига таъсир этади. Меҳнат фаолиятининг фаоллашишига замин яратди. Инсоннинг шахс сифатида камол топишида ҳам туризмнинг аҳамияти катта. Туризм кишиларнинг атроф-муҳит, сафардан олган таассуротлари асосида уларнинг интеллектуал бойлигини ошириб, шу орқали кишиларнинг ижтимоий маданияти қандай даражада эканлигини кўрсатиб туради. Ривожланган мамлакатларда оила бюджетининг салмоқли қисми халқаро саёҳатлар ва дунё халқлари урф-одатларини ўрганиш ва туристик хизматларни сотиб олиш учун сарфланаётгани соҳанинг келажagini белгилайди.

Туризм бўйича шуғулланаётган етакчи мухтаassisлар уни тўртта асосий гуруҳга бўладилар: — рекреацион ёки соғломлаштирувчи туризм. Бунга асосан дам олиш ва даволаш маърасаларининг фаолияти кирди; — экскурсион туризм, яъни дунёни билишга қизиқувчилар учун табиий, маданий ва тарихий жиҳатдан диққатга сазовор жойлар билан танишиб, шу орқали таассурот олишга ёрдам бериш. Экскурсион туризм ҳам рекреацион туризм каби аҳамиятга эгадир; — илмий туризм. — Бунда илм ўрганиш ва малакани ошириш мақсадида саёҳатлар, илмий анжуманлар уюштириш тушунилади; — ишчи кучи туризми ёки иш туризми. Бунда ишчи кучи орқича бўлган жойлардан ишчи кучига талаб катта бўлган мамлакатларга вақтинча бориб ишлаш ва бошқарил тушунилади.

XI асрда космик туризмни ривожлантириш, сайёҳларни космосда сайр қилдириш ва шу билан бир қаторда янги туристик йўналишлар ишлаб чиқиш асосий йўналишлардан бирига айланмоқда. Хатто кейинги ўн йилликда баъзи мамлакатларда туризмга мослаштирилган махсус ҳудудлар тоғ ён бағирларида, денгиз қирғоқларида, табиати гўзал жойларда ташкил этилмоқда. Эътиборлиси, 2000 йиллардан бошлаб туризм бутун дунёда иқтисодиётнинг энг катта даромад келтирадиган, асосийси барқарор ривожланиб бораётган тармоқларидан бири сифатида эътироф этила бошланди. Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, айтиш пайтда бир йиллик пул айланмаси 900 миллиард АҚШ долларига етган халқаро туризм

соҳаси айтиш пайтда дунё бўйича банд бўлганларнинг 8 фоизини (195 миллион киши) иш билан таъминлаб турибди. Ташкилот ҳисоботларида қайд этилишича, у ёки бу мамлакатга таширф буюраётган сайёҳлар сонини хар йили 4-5 фоизга ортаёттир. Хусусан, 2010 йилда 935 миллион киши дунё бўйлаб саёҳат қилган бўлса, 2012 йил охиригача бу кўрсаткичнинг 1 миллиарддан ошиши кутилмоқда.

Тўғри, глобал молиявий инқироз сайёҳлик салоҳиятига таъсир қўрсатмай қолмади. Айтинқса, Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақасида. Японияга туристлар оқими 2,8 фоизга камайди, ушбу кўрсаткич Янги Зеландияда — 3,1 фоиз, Индонезияда — 3,1 фоиз, Филиппинда — 2,5 фоиз, Гонконгда — 7,1 фоиз, Сингапурда эса — 14 фоиз пастга шўнғиди. Аммо туристларнинг узок масофадаги давлатларга қилинадиган сафарлар нархи юқорилиги ва, унинг ўрнига, яқин ҳудудларга саёҳат қилишни афзал қўрганлигидан ушбу минтақадан айрим мамлакатлари усталик билан фойдаландилар. Хусусан, Таиландга туристлар оқими 6,9 фоизга ошди, лекин айтиш пайтда ушбу соҳадан келадиган тушумлар 9,3 фоизга камайди. «Савдо жаннатига» айланган Корея Республикасига сайёҳлар оқими 8,7 фоизга ошди, даромад 11 фоизга кўнайди.

Шимолӣ ва Жанубий Америка. Ушбу минтақадда туризм кўрсаткичлари АҚШга туристлар оқими камайгани туфайли бор-йўғи 1,4 фоизга ўсган. Америка Қўшма Штатларига туристлар оқими Осиё китъаси ва қўшни Мексика, Канададан келётган туристлар сонини қисқартиришга ҳисобга — 1,3 фоиз камайди. Жанубий Америка минтақасида туризм Кариб ҳавзаси кўрсаткичларидан биринчи мартаба ошиб кетди. Туристлар оқими бўйича Бразилия (10 фоиз), Боливия (9 фоиз), Перу (9 фоиз) ва Аргентина (7 фоиз) ўсишига эришган.

Африка. Ушбу минтақа туризм ривожланишига ақсарият ҳолда Жанубий Африкага табиат шинавандалари бўлган сайёҳларнинг ва Шимолӣ Африкага европолик туристлар оқимининг ўсиши билан изоҳланади. Умуман, Жанубий Африка минтақаси мамлакатларидан Зимбабве (7,8 фоиз), Замбия (12 фоиз) ва Мадагаскар (32 фоиз)да ўсиш кутилди. Яқин пайтларгача Шимолӣ Африкадаги мамлакатлар орасида Тунис етакчилик қилаётганди. Бироқ мамлакатдаги

ғалаёнлар ва унинг ортидан бошқарила бекорорлик сайёҳлар қадамининг узилишига сабаб бўлди. Яқин Шарҳ. Ушбу минтақанинг кўрсаткичлари жаҳондаги ўртача ўсишига нисбатан анча тезкорлик билан ривожланмоқда. Жумладан, туристлар оқими 5,3 фоизга, тушум 6,4 фоизга ўсган. Ҳудуддаги мамлакатлардан Ливан (18 фоиз), Иордания (12 фоиз), Баҳрайн (4 фоиз) оқимининг кўпайишига эришди. Бошқа мамлакатларга нисбатан ривожланган Мисрда туристларга сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш натижасида 2010 йилда сайёҳлар оқими 3 фоизга ўсишига эришди. Афсуски, хориждан туриб озиқлантирилган исёнлар ва давлат тўнтариши туфайли эҳромлар мамлакатини ҳамон ўзига келолмапти. Натижада Мисрнинг қадимий эҳромларини кўриш ва афсонавий Нил дарёси қирғоқларига ташкил этилган қадимги ёдгорликларни зиёрат қилишга ёрдам бердиган кишилар сонини камайди.

Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти маълумотларига қўра, жаҳон бўйича кейинги ўн йилликда туристик оқимнинг ўртача йиллик ўсиши Европа минтақасида 3,1 фоиз, Яқин Шарҳда 6,9 фоиз, Жанубий Осиёда 6,4 фоиз, Осиё Тинч океани минтақасида 7,7 фоизни ташкил этди. Бизнинг республикамизда ушбу кўрсаткич йилгига 15 фоиз даражасида белгиланган, бу эса БТТнинг Осиё минтақасига оид таҳминларидан икки мартабага юқоридир. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, у ёки бу мамлакат иқтисодиётига қатъий валюта тушуми, улур учун катта иқтисодий самаралар келтиради. Айтинқса, иқтисодиётини энди оёққа тураётган мамлакатлар учун бу жараён жуда катта аҳамият касб этади.

Халқаро туризмнинг бугунги аҳволи, унинг ривожини ва келажagini тўғрисида сўз юритар эканмиз, ана шу соҳада Ўзбекистоннинг туғган ўрни ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Мамлакатимиз бу борада катта имкониятларга эга. Ўзбекистон сайёҳлик қурутот ва тарихий жойлар сонини бўйича дунёда етакчи ўнга мамлакат сирасига кирди. Бу халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, Буюк ипак йўлининг қадимий шаҳарлари, қўлпа мейморий ёдгорликлар, ноёб табиатимиз ва бутун дунёга машҳур Ўзбекистон меҳмондўстликдир.

Ўзбекистонда халқаро туризмни янада жонлантириш мақсадида тасдиқланган ишончнома жисмоний шахслар учун) тақдим этилади. Аукцион савдоларига иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур эълон матбуотда чоп қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилада қабул қилинади. Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқларини бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар Ипотека банк Сардор филиалидаги МФО 00119, СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб 20 (ингирма) кун муддат ичида олдинсиз шартнома сонини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда, етишмаётган миқдорини шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юқлатилади. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг аукцион савдолари ташкил этилиши ва ўтказилиши жараёнида юзага келиши мумкин бўлган қўнун бозиқчи ҳолатларига доир масалалар юзасидан туман ҳокимликларига ёзма ва телефон орқали, Давлат мулкнини бошқариш Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасига (8365) 223-09-00, 223-99-03 телефон рақамига ҳамда Давлат мулкни кўмитасининг (8371) 259-21-37 «Ишонч телефон»ларига мурожаат қилиниши мумкин;

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва қўнмача маълумотлар учун қуйидаги манзилага мурожаат қилиниши мумкин. «SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ, Бухоро шаҳри Муस्ताқиллик кўчаси 10-уй. Телефон: 8 (365) 223-69-62.

«SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамияти МУЛКНИНГ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ҚАДАМ-БАҚАДАМ ОШИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН «ОЧИҚ АУКЦИОН» САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тасдиқланган ишончнома жисмоний шахслар учун) тақдим этилади. Аукцион савдоларига иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур эълон матбуотда чоп қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилада қабул қилинади. Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқларини бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар Ипотека банк Сардор филиалидаги МФО 00119, СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб 20 (ингирма) кун муддат ичида олдинсиз шартнома сонини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда, етишмаётган миқдорини шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юқлатилади. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг аукцион савдолари ташкил этилиши ва ўтказилиши жараёнида юзага келиши мумкин бўлган қўнун бозиқчи ҳолатларига доир масалалар юзасидан туман ҳокимликларига ёзма ва телефон орқали, Давлат мулкнини бошқариш Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасига (8365) 223-09-00, 223-99-03 телефон рақамига ҳамда Давлат мулкни кўмитасининг (8371) 259-21-37 «Ишонч телефон»ларига мурожаат қилиниши мумкин; Буюртманомалар қабул қилинадиган ва қўнмача маълумотлар учун қуйидаги манзилага мурожаат қилиниши мумкин. «SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ, Бухоро шаҳри Муस्ताқиллик кўчаси 10-уй. Телефон: 8 (365) 223-69-62.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Реклама

Лицензия RR-0048

Тўнмаеаеае — Тўнаеае

ёки имконлардан бахрамандлик ҳақида сўз

Ўтган асрнинг 90-йилларида рўзғори, тирикчилиги катакдек ҳовлиларда депсиниб қолган, етишмовчиликдан болаларининг кўзига дадил қарай олмаган оталар, оналарни кўп кузатганман. Ана ўша жабрдийдалар миллат рўшнолиги йўлида қўйилган муҳим қадам — аҳолига томорқа ажратилганда севинчдан суюнганидан йиғлаб юборишган. Янги томорқанинг тупроғини кўзларига сўриб, уларни шу даражада севинтирган Давлатимиз раҳбари шайнига дўлоар қилиб, ловуллаб турган меҳр билан ерга уруғ қададилар. "Ҳорман", "бор бўлинг" деган бугдойи каломлар янги томорқалар атрофини тўтиб кетган эди ўшанда. Бу элнинг ерга бўлган меҳри қанчалар буюклигини, шу муқаддас замин учун, керак бўлса, бу халқ жон беришга ҳам тайёрлигини ўшанда яққол ҳис этганман!



Ҳа, бу гаплар миш-миш эмас эди. Иброҳим ака меҳнатининг самарасини кўриб, кўзи қувнаётган, ҳаётига бара, тўкинлик олиб келган узумзорларига термулиб, дили яйраётган эди. Ваҳоланки, бир пайтлар 20 сотих узумзордан ўртача 80-100 миллион сўм пул топиш Иброҳим аканинг тушига ҳам қирмаган эди.

Раҳим аканинг бу гапи ҳикматдек доимо қулоғим остида жаранглаб туради. **М**еҳнат инсонни улуглайди, деган гап яқин-яқинга-чаям одамнинг гашини кўзгарди. Чунки меҳнатдан роҳат кам, меҳнат нари борса яшаш, яъни нобуд бўлмасликнинг шартли даражасига келиб қолган эди. Яхшиям, одамга мутойиба ато қилинган. У ўзи кечираётган азоб-изтиробларга тўла ҳаётнинг ичидан беғубор бир қулгу, юмор топиб оларди-да, шуни вужудида айлан-тириб, шу билан андармон бўлиб, андак таскинланиб, кейинги кунларга талпинарди. Гўё кейинги кун уни битмас-туган-мас лаззат ва ноз-неъматлар, рўшноликларга тўла ҳаёт билан кутиб оладигандек.

Шўро тузумининг одамга фақат ишловчи, лаббайчи, яратувчи сифатида ёндашуви оқибатида 65 ёшдан кейин ўтирса, яна қайтиб ўрнидан дадил туриб кетолмайдиган чала жон, инқиллаган пенсияонерлар сафи кўпайиб кетди. Қулоғингизга чалинган бўлса керак, шўронинг шўрлик пенсионери ҳақида шундай лати-фа ҳам тўқилган эди:

Пенсионердан сўрашибди: — Совет иттифоқида бир одам ўртача неча йил яшайди? Жавоб: — 15 йил. Қизиқ, нега унақа кам? Жавоб: — Мақтабача 7, пенсияга чиққач 8 йил.

Алқисса, онгли, ижодий, пухта режалаштирилган меҳнат бугун орзу-умидларимиз, хрю-ҳавасларимизнинг ижобат бўлишида қафолат даражасига кўтарилди. Меҳнат турмушимизни юксакка кўтарди. Ижтимоий ҳимоя, меҳнатга муносабат, уни тўғри ташкил қилиш, меҳнаткашга кўрсатилаётган иззат-икром тўғрисида халқимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 65 ёшдан 75 ёшга узайди.

Энди биз таваккал яшашдан воз кечдик. Ҳар бир ҳаракат, ҳар бир интилишимизда чуқур мулоҳаза, аниқлик, мантқиқ устувор. Фаолиятимиз охирида самара кўринмас экан, бу йўлга юрмайдиган бўлдиқ. Одамларимиз ўзини, меҳнатини, қобилиятини зое кетказмаслик, исроф қилмаслик даражасига деярли етди. Шаҳарларимиз-у қишлоқларимизда ҳам шу кўникма шаклланди.

Ушанда Раҳим ака ўйноқи Хоразм шеvasида бардам товуш билан бир гап айтди: — Сиз пароналик (фаргоналик демоқчи) бўлсангиз, дим яхши тушунасиз, сувданам, ўғитданам аввал ерга меҳр гарақ, ҳовва. Ер одамни қадамидан сезади...

Хадемай бу жойларда кўзингни қувна-тиб, янги иморатлар, янги кўча, янги маҳаллалар қад рост-лай бошлади. Шижоатга тўлиб-тошган, орзу-умидлари йўлида жон-жаҳди билан ерга ёпишган, ҳаракатда баракатни кўзлаган чайир, пишик-пухта авлод белига бунёдкорлик камарини ана шундай бойлаганди.

Лавҳамиз қаҳрамони Солижон хожи Мирзажонов ҳам ана шундай уддабурон, тadbиркор, тупроқни азиз билган инсонлардан бири сифатида олти-ариқликлар орасида иззат-ҳурмат топди. Уни билганлар камтарлигига тасаннолар ўқишади. "Ўзлаб гектар боғ-роғлари, узумзорлари, замонавий совутич тизими билан жиёзланган, 20 тоннадан зиёд ҳўл мевани оилаб тўтиб тура оладиган ва кўзлаган манзилга нест-нобуд қилмай етказа оладиган, Ўзбекистон иклимидан келиб чиқиб, шаҳсан ўзи Олмонияга бориб йиғдирган "Мерседес-Бенц" супер автоулови, "МАЗ", "КамАЗ", "Эпика", "Ласетти" каби автодастурлари бўла турган, унинг бирор марта кибрланганини, ўзини бозорга солганини эл орасида ҳеч ким кўрмаган.

— Ҳар сотих ердан камида 1 тонна шигил узум олишга эришишимиз керак, — дейди Солижон ака. — Чунки бизнинг еримиз шунга қобил. Ҳадеб битта навага, айтайлик, "Хусайни"га ёпишиб олмай, "Мерседес", "Ризамат", "Чарос", "Тоифа", "Каттақўрғон", "Ҳасайни", "Чилги", "Кишимш" каби навлардан экиш керак. Токи, узум биз учун бозорнинг мулки бўлишдан ташқари, ўзимиз қўл узатадиган дастурхоннинг кўрқига, болаларимиз қонидаги витаминга ҳам айлансин. Томорқаларимиз бизни, албатта, бой қилсин. Ҳар бир ҳаракат, ҳар бир режамизда ундан топан даромадимиз акс этсин. Қураётган уйларимиз ҳам энди замонавий бўлсин. Бўлди энди, тоққа қаратиб — бир уй, бир даҳлиз, ёнида меҳмонхона, деган сийка гаплар. Нима учун отам қурган уйни мен, мен қурган уйни ўғлим бузиб, янги иморат солавериши керак?! Ахир юртимиз шаҳарларида ота-болаларимиз қурган айрим иморатлар камиде беш юз йиллаб савлат тўкиб турибди-ку, бизнинг авлодларимиз ҳам замон талабларига мос иншоотларни бунёд этишга қодир.

Солижон аканинг турмуш тарзимини янгилашга доир бундай фикрларини кўп эшитганман. Инсоф-иймондан узилиб қолганларни хушамаслиги, ёлғон-яшиқ, мунофиқона ҳаракатларга мурасасизлиги, оқилона бошланмаган ва мантқиқсиз яқунланган ишлардан жигибйорон бўлишига жуда кўп гувоҳман. Унинг бўйин томирлари ириб чикдимми, — дедик, ҳозир ҳаётимиз учун фойдали бир гап гапирди деяверинг.

У анчадан буён ўзи кўнгил қўйган соҳа — боғдорчиликда кўчатчиликни ривожлантириш, яхши навларни бир-бирига пайвандлаш, урчишти, чатиштириш тизимини йўлга қўйди. Шу йўл билан миллионлаб чидамли, серҳосил кўчатларни исбйқхонларда кўпайтириб, боғларга кўчирди. Бу борада боғдорчилик илмий-тадқиқот институти олимлари, мутахассисларидан айрим маслаҳат, йўл-йўриқларни олди. Шу йўл-йўриқларни олди. Шу йўл-йўриқларни олди. Шу йўл-йўриқларни олди.

Яқинда бир гуруҳ миришкор-тадбиркорлар ҳукумати-иш йўлланмаси ва ҳомийлигида бир мuddат Американинг Калифорния штатида, 12 кун Хитой мамлакатиде кўчатчилик бўйича тажриба алмашиб қайтдилар. Уларнинг сафиде ҳеч бир нарсеге эътиборсиз қарамайдиган, синчков, олтиариқ-часига айтганда, инжиқ Солижон Мирзажонов ҳам бор эди...

Олтиариқнинг Беш-огайни деган гузариде Иброҳим гармон деган киши ҳам янги томорқа олганлар қаториде машҳур узумчига айланди. Бир пайтлар удум бўлган чолгу асбоби — гармонининг овозига ўша кезлар эҳтиёж деярли қолмаган эди. Иброҳим ака узумчиликнинг озми-кўпми ҳавосини олиб улургани учун шу йўлга дадил ўтиб қўя қолди. Қарабиски, "эшитдиларингми, Иброҳим-жон ёппасига "Мерс", "Ризамат" навларини эккан экан, харидорлар килосига 15-20 минг сўмдан нақд тўлашиб, уйдан, ишқомининг ўзидан узиб кетишаётганмиш...

ИСТЕЪДОДНИНГ БЕШ ҚИРРАСИ

Бугунги ўзбек адабиёти истеъдодларга бой. Ўтмишимизга назар ташласак ҳам бу борада ўрناق бўларайми мисолларни учратамиз. Асарлар давомида шоҳидан гадосигача шоир деган ибора юртолларимизга нисбатан айтилгани ҳам шу важдандир.



Халқимизнинг сеvimли адабларидан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Али адабиётимизнинг забардаст вакилидан саналади. У шоир, ёзувчи, публицист, таржимон, олим... мухтасар айтганда, серқирра ижод соҳибидир. Адибнинг адабий махсули бир эмас, бир неча монографияларга манба бўлиши шубҳасиз. Яқинда «Муҳаррир» нашриётида чоп қилинган адабиётшунос олим Адхамбек Алимбековнинг «Юлдуз-

нинг беш қирраси» номли китоби шу йўлдаги изланишларнинг бошланиши десак, хато қилмаймиз. Унда адибнинг ҳаёт йўли, ижодкор сифатида шаклланиб камолга етиши, маҳорати ва асарларининг тарихий таҳлилини қамраб олишга ҳаракат қилинган. Фақат илмий талкилар эмас, ёзувчи бошидан кечирган айрим воқеалар публицистик руҳда ҳикоя қилинади. Асар китобхоналар оммасига яхши тўхфа бўлибди. **Лобар РАҲИМЖОНОВА**

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Анча йиллар илгари хизмат сафари билан Деновга боришга тўғри келди. Бошлигимиз: "Энг аввал ҳокимиятда ишлайдиган Тоштемир Турдиевга учрашинг", — деган эди. Борганимизда у кишини топиш биров қийин бўлди. У ердигилар "Тоштемир ака жойида ўтирадиганлардан эмас" дейишди. Унинг лавозимини сўрганимизда маънавият масалалари бўйича маслаҳатчи экани маълум бўлди. Топа олмагач, ҳокимнинг қабулига кириб, мақсади-мизни баён қилдик. У киши тўғмачани босиб: "Тоштемир акани чақиринглар" деди.



Деновнинг фидойиси

Шундан кейин ҳам туманга бир неча бор сафар қилдик. Хар гал масала Тоштемир ака орқали муҳокама қилинди. Туманда бир неча бор раҳбар ўзгарди, аммо ушбу аънаа бузилмади — "Турдиевга учрашинг"...

Бу ҳолат сабабини ўзимизча ахтариб кўрдик. У кишининг хонаси китоблар билан тўла. Аксарияти Денов ва деновликлар ҳақида — "Денов: катта йўлдаги дадил қадамлар", "Денов — авлиёлар назари тушган юрт", "Денов тафаккур чароғлари".

Агар туман тўғрисида бирор мақола ё чиқиш қиласизми, Тоштемир аканинг талаби битта: "Денов сўзи сарлавҳага чиқсин". Меҳмонни идора ва ташкилот вакилларига ҳам шу ўлчов билан таништиради: "Деновнинг дўсти".

Тоштемир ака филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Лекин Деновда у кишини хоҳ пахтакор, хоҳ қурувчи ё фермер "устоз" дея ҳурматлайди. Устоз эса ҳаммани "буюк" санайди. Сабабини сўрасангиз "Ҳа, энди муқаддас тупроқнинг ҳар бир фарзанди буюк-да", — дея изоҳ беради.

Ақбар ЖОНУЗОҚОВ, Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ЛУҚМА

«Х»ми ёки «Х»?

Пойтахтимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Йўллар равон, янги-янги бинолар қад ростламоқда. Кеча юртимизга келган меҳмон ёки сайёҳ бугунги ўзгаришлардан ҳайратга тушиши аниқ.

Кўчаларимизнинг кўзга ташланарай жойларига илиб қўйилган хар йил реклама ва эълонлар акс эттирилган баннер ва афишалар ҳам шаҳар кўрқига-кўрқ қўйса, деган ўйдаммиз. Ҳар ҳолда мақсад шундай. Бироқ мазкур паннолардаги айрим сўзларнинг нотўғри ёзилаётгани ёки биргина имловий хато кўнгилни хира қилади. Масалан, "Ўзбекистон" шоҳқўчасида, «Пахтакор» марказий стадиони ёнидаги шаҳар туманлари кесилишан жойга ҳудудий жиҳатдан туманларни ажратиб турувчи баннерлар илинган. Уларда катта харфларда, лотин ёзувида «Юнусобод тумани», «Чилонзор тумани» ва «Шайхонтоҳур тумани» деган ёзувлар бор. Ундаги «Шайхонтоҳур» сўзининг охири бўғини — «хур»да «х» харфи ўрнига «х» ёзилган.

Одатда баннерларга жойлаштирилган рекламалар жойларда камиде бир ой осиллик туради. Юқориде амалга олинган баннерлар эса ранги ўчмасе ё бирор жиддий сабаб тўғрисида алмаштирилмасе, кўп йиллар туриши аниқ.

Балки, бу эътирозимиз майда гапдай туюлар. Бироқ бу битикларни ўқиган ёшларимиз туманинг номи шундай ёзилар экан-да, дея борича қабул қилмаслигига ким қафолат беради? Хайри ишлар ҳаммаша майда юмушлардан бошланганидек, саводлилик ҳам харфларни тўғри талаффуз қилиш, тўғри қўллашдан бошланади.

Барламбек САЪДУЛЛАЕВ

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

Оталик қандай белгиланади?

— *Эрим билан расман никоҳдан ўтмаганмиз. Икки ой бирга яшадим. Яқинда она бўлдим. Илтимос, оталикни белгилаш тартиби ҳақида маълумот берсангиз?*

Сабоат Аҳмадиева
Тошкент вилояти

Бундай ҳолатларда оталикни белгилашнинг икки — ихтиёрий ва мажбурий шакли маъжуд. Одатда, оталикни тан олишнинг ихтиёрий шакли биргаликда ариза бериш орқали фуқаролик ҳолатларини қайд этиш идорасида амалга оширилади. Мажбурий шакли эса жойлардаги фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш орқали ҳал этилади.

Жавобгарнинг боланинг онаси билан бирга яшагани, умумий рўзгор юритгани, болани биргаликда тарбиялагани ва таъминлаб тургани, никоҳот оталикни тан олганини аниқ тасдиқловчи далиллар оталикни белгилаш предмети бўла олади.

Оталикни суддан ташқари тан олиш куйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- а) жавобгарнинг оғзаки гапларида;
- б) турли ҳужжатлари тўдиришида;
- в) даъвогарга тақдим этилган ёзма ва ашбўий далилларда.

Оталикни тан олишнинг аҳамияти шундаки, у иш бўйича исботлаш процессини енгиллаштиради. Шунингдек, у никоҳсиз туғилган боланинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш қафолатларидан биридир.

Саволга Тошкент вилояти Пескент тумани ФХДЕ бўлими муdiri Машҳура АЛИМОВА жавоб берди.

ЗИЙНАТЛИ УМР

Сўнмас сатрлар

Хазрат Мир Алишер Навоий ижодиётини кўп ва ҳўп ўрганган, уни фазал мулкнинг султони, дея ардоқлаган устоз Шайхзода шоирнинг юқоридоғи мисралари ху-сусида шундай ёзган экан: «Ҳаётни анлаган, унинг лаззатларидан буюк илҳом ва ижодий қудрат ола билган Навоий умри бир зийнатли китобага ўхшатади ва бу китобнинг сарлавҳаси бақо (абодият) муҳри билан босилишини орзу қилиб, шундай фикран чуқур ва бадиий жиҳатдан юксак байт ижод қилади...»

Энди эса домла Шайхзоданинг ўзи умрини «хўш зийнат»лар билан безати олган ва бу умри «абодият муҳри босилиши»га лойиқ тарзда яшаб ўтганини фахр билан қайд этсак, не тонг!

— Шайх ака умрини умрдай қилиб яшаган эди, ҳамма гап ана шунда, — дея суҳбатимизни бошлади гўё туйғуларимдан воқифдек суюкли санъаткор Шукур Бурҳонов. — Шундай умрлар бўладики, улар асрлар ўтиб неча-неча авлодлар учун ибрат ва ҳавасга айланади. Шайх ака яшаган ва бугун ҳам кўз олдимизда кечагидек ёрқин бўй бериб турган умр ана шундоқ умрлар сирасидан. Мен сенга айтсам, у авваламбор, барчага баробар, дилкаш, кадрдон ўрток, истараси ҳаммаша дилга якин инсон эди. Ҳаммаша тўғриси, кўпинча тағдор қилиб, лекин самимий гапирувчи эди...

Хўш зийнати кўб номадурур умр ва лекин Табқи вафодин анга умбон керак эрди.

Алишер НАВОИЙ

Шукур ака сўзлаятми-ю, мен негидир дарҳол домла Шайхзоданинг олти жилдик асарларига таниқли олим Азиз Қоюмов томонидан ёзилган сўзбошининг дастлабки сатрларини эсладим: «Юксак истеъдод соҳиби, оташ қалб, ҳиммати дарё, нафис ва ўткир дидли, бегубор, нажиб бир инсон тўғрисида сўз кетганида, уйлайманки, ҳар бир қалби пок одам Мақсуд Шайхзоданинг ёрқин сиймосини кўз ўнгига келтиради».

— Одамнинг неча ёшга кирганини унинг кечирган ойлари, йиллари билан ўлчамалик керак, — давом этарди Шукур ака. — Унинг қилган ишлари билан ўлчамоқ лозим! Лекин бу гапларни ўзим тўқиб айтмаётганим йўқ. Шарқ донишмандларидан қайси бириниям гапи бу, лекин топиб гапирган — отасига балли...

Кино санъати юзасидан ўтган суҳбатларимизда кўп кузатганман: Шукур ака давраларда ҳам ўз фикрини баён қилиб қўя қолмайди, балки хатти-ҳаракати, овоз тўқинлари билан (Таъбир жоиз бўлса, об-разга кириб) ўқтиради. Ҳамсуҳбатини саҳнадаги қадар ўзига жалб этиб, ўзи сўзлаётган воқеа-ҳодиса иштирокчисига айлантириб олади.

Шукур ака қоматини яна ростлабор, ҳаяжонда сўзлай бошлади:

— Тушундингми, мулла... Мен Шайх ака асарларидаги Жалолиддин ва Мирзо Улғубек образларини яратганим учунгина куйиб-пишиб гапирётганим йўқ. Инсон Шайхзодани, шоир Шайхзодани, драматург Шайхзодани, ҳар синовга шай, ҳар қандай доvonни ошиб ўтишга қодир Шайхзодани билган, кўрган, у билан ишлаган, суҳбатлашган ҳар бир одам шундай ҳаяжонлиб сўзламасдан иложи йўқ, десам хато қилмаган бўламан! Иккиламчидан, мен Шайх ака билан ўттизинчи йилларнинг охирида, у Тошкентга кўчиб келган кезлариданоқ бирга бўлдим. Эски шаҳар билан янги шаҳар ўртасидаги Қашқар маҳалласига турардилар у киши. Танишган кезларимиз ёшлар газетасида ишларди, чамамда. Жудаям ҳаракатчан эди: ҳам муаллим, ҳам янгилик тарғиб этган, ҳам ташкилотчи, ҳам турли жойларда турли касб эгалари орасида бўлиб қайтгучи, ҳам дастлабки шеърлари биланоқ тилга туша бошлаган шоир... Икки киши учрашиб қолса, ҳеч бўлмаса, Шайхзодага алоқадор бир шингли сўз кетарди... Қашқар маҳалласида турли миллат кишилари яша-шарди. Шайхзоданинг ҳамма билан бир лаҳзада тил топи-шиб кетиши ҳавасимизни кел-



тирарди. У кўп тилларни билар, озар ва ўзбекчани қанчалик яхши билса, форсийда, айниқса, рус тилида ҳам шунчалик бурро гаплаша оларди. Суҳбат фалсафаси кучли эди. Шунинг учун ҳам Шайх ака ёнидан ҳеч жилгим келмасди.

— Сиз ҳам шу маҳаллада турганмидингиз?

— Йўқ. Ўша пайтларда Қашқар маҳалласига ёндош кўчалар туташ жойга яқин ердан «Инженерий» кўчаси ўтгучи эди. Замон зайли билан биз шу кўчадаги ўн иккинчи уйга кўчиб борганмиз. Шу-шу Шайхзода билан қалин бўлиб қолдик. Ҳатто кейинчалик кичик ўғлим туғилганида унга Шавкат деб исм қўйган ҳам Шайх ака бўлган.

Шундан сўнг суҳбатимиз Шайхзоданинг халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди тўғрисида ёзган драматизи, Шайхзода унга қандай тайёргарлик кўрган, асарнинг қандай кутуб олинган ҳақида кетди. Шукур акадан «Жалолиддин» драматизининг саҳналаштирилишига оид тафсилотларни илгарий суҳбатларда кўп эшитганим учун сўраб ўтирмадим.

...Уруш йиллари. Бир кун устоз Шайхзода Шукур акага шундай дейди:

— Оқ шеърда бир нарса ёзиб қўйдим, Шукур. Жалолиддин ҳақида. Бир кўрасизлар-да энди. Жалолиддиннинг Сиз ўйнайсиз. Темурмалик образини бор... Домла Уйғур назаридан ўтказасан нима дейлар, ўзларини...

Шукур ака қўвона-қўвона Маннон Уйғурга бунини етказди...

— Ҳа, айтганча ролларни ҳам Шайх аканинг ўзлари бўлиб берган эдилар. Амин Турдиев Хоразмига бориб са-

на қаҳрамонлари учун қирқта чўғирма (бош кийим) олиб келди. Саҳна безаклари жуда табиий ясалтирилган ҳамон ёдимда. Ҳатто декоратив деворлар бронзадан қилинган эди... Шайх ака эса ҳар репетицияда бўлар, ҳатто айрим қаҳрамонларнинг нуқталарини бевосита ўша репетицияларнинг ўзида тузатиб юборар, куйиб-қуйманар эдилар. Шунинг учун ҳам мен ҳаммаша саҳна асари ёзувчи драматурглари Шайх ака даржаасида кўришни истайман. Хуллас,

асар Маннон Уйғур раҳбарлигида 1943 йилдан яшай бошлади ва қай даражада бўлмасин руҳига рух, кучига кўч бағишлаган эди.

— Шошма, — деди Шукур ака бир пайт, — йиллар ва баъзи воқеаларни чалқаштириб юбораман, шекилли. Агар Миад бўлганида янаям кўп нарсалар ёдга тушарди. Ҳозир топамиз уни. Унганача анови шакаф тортмаларни кўздан кечириб турсанг, шу суҳбатга алоқадор нарсалар, боя сўраганинг — суратлар, материаллар ҳаммаси шуларда. Мен ҳозир...

Шукур ака шундай дея нағизга ўтиб телефон рақамларини тира бошлади. Унинг гапларидан таниқли таржомани Миад Ҳасимов билан сўзлашганимиз, сал кейинроқ эса тагин кимгадир кўнгирик қилиб Миад Ҳасимовнинг тагин олиб келишни айтмаётганини ангашилдиб турар, мен эса ҳар қайси дунё-дунё воқеаларга, олам-олам севинч ва ижод муваффақиятларига гувоҳ бўлиш, архив, материалларни титқилаш билан овора эдим.

Мана, халқ фахри бўлиб қолган бир ижодкорнинг ҳаёт йўлини акс эттирувчи ноҳур суратлар, саҳна ва экран асарларидан кадрлар... Улар орасида «Жалолиддин», «Мирзо Улғубек» пьесаси ҳамда «Улғубек юлдузи» фильмига оидлари ҳам талай. Мана бу суратларда икки улғў ижодкор — Шайхзода ва Шукур Бурҳон нимадандир хурсанд, кучоқлашиб туришибди...

— «Мирзо Улғубек» драматизи ҳақида ҳам дастлаб менга «ёрилган» эдилар Шайх ака, — суҳбатни улади Шукур Бурҳонов кайтиб кирар экан. — Олтмишинчи йил охири ё олтимиш биринчи йил бошланганими ўшанда, аниқ эсимда йўқ. Ҳозир Миад келса,

аниқлаб оламиз. Биласан-а, Миад ҳақида кўп гапирман. Нега десанг, у Шайхзода бор жойда, у қатнашган давраларда, унинг оламча суҳбатларида ҳаммаша биз билан бирга бўлган.

...Шундай қилиб десанг, «Мирзо Улғубек» пьесасини кўлтиқлаганимча театримизга мурожаат қилдим. Пьеса Шайх аканинг ўзида ўқилди. Асарни ўша кунни берилиб, ҳаяжон билан тинглаганлар: Гинзбург, камина, Амин Турдиев, Сайфи Олимов, Наби Раҳим, Тўла Ҳўжаевлар эдик. Асарни ҳамма бир овоздан маъқуллади. Уни ўқиш давомида Шайх аканинг ўзи пьесани Гинзбургга рус тилида аниқ, лўнда қилиб тушунтириб турди. Эртасигаёқ пьесани саҳналаштириш ишлари қизиб кетди...

Шу орада Миад ака кириб келди. Суҳбат-суҳбатга улади. Шайхзоданинг «Мирзо Улғубек» пьесаси репетицияларида ҳам мунозам қатнашгани, кейинроқ бу асар дастлаб Низомий номидаги пединститутда талабаларга кўрсатилгани, кейинроқ эса томошабинлар оммасига ҳавола этилгани ундан сўнг шу орама ёзилиши учун йилган материаллар асосида Шайхзода сценарий ёзгани ва у «Улғубек юлдузи» фильмига замин бўлгани, Мақсуд Шайхзоданинг одаимий ва ахлоқий фазилатлари тўғрисида ифтихор билан элди.

— Улғубек образи, ўзининг назарингизда, саҳнада табиийроқ чиққаними ё экранда? — сўрайман Шукур акадан.

— Авваламбор, мен ҳеч қачон ёмон ё нотабиий ўйнаман, деган ҳаёлга бормеганман. Лекин бу ерда бошқа бир гап бор: образнинг ўзини бир актёр ҳам саҳнада, ҳам экранда ўйнаса, анча мураккаб. Актёр ўзи тушунтириб беролмайди, вазиятга тушиб қолади. Ҳар ҳолда, саҳнадаги Улғубек кўпроқ кишилар қалбига бўлса керак-а, Миад?

— Шунинг ҳам айтишни унутманг, — дейди Миад Ҳасимов, — бўлмаса Шукур ака кумарлик қилиб айтмаслиги мумкин. Шайхзода домла ҳаммаша фахрлини: «Спектаклни спектакль қилган Шукур Бурҳон!» дердилар. Москвада, МХАТ саҳнасида эса «Мирзо Улғубек» премьерасидан сўнг томошабинлар қарсағи билан саҳна пардаси ўн бир маротаба очилиб-ёпилгани, спектакль тўғрисида театр санъатининг етук намоёндалари фахр билан гапирганини эсланса, Шайх аканинг сўзи нақадар тўғрилиги аён бўлади.

— Кейин яна бир гап, — дейди Миад Ҳасимов сўзини давом эттириб. — Устоз Шайхзода репетицияларда, санъаткорлар даврасида кўпинча Шукур Бурҳонни ибрат маъносидан мисол келтириб гапир-ишни жуда хўш кўрарди.

— Сен Миад мени осмонга чиқариб кўявермай Шайх аканинг ўғитларидан гапир, — дейди қилиб Шукур Бурҳонов. — Эсингдадир. Ёш санъаткорларнинг талаффузи, актёрларнинг келажаги ҳақида кўп ва куюниб гапирардилар у киши. Ҳа, айтгандай, Шайх аканинг барча асарлари, жумладан, ўша «Жалолиддин» ва «Мирзо Улғубек» драмалари қаҳрамонлари нутқининг ўзи ҳам бир ибратли мактаб. Қаҳрамонлар ўз даврларида, ўз хатти-ҳаракатларида, ўз даврининг либослари ва урф-одатлари билан яшайдилар. Шайх ака бу асарларида ҳам тарихийликка, ҳам мавжуд манбаларга суянган пьеса муваффақиятини таъминлаган.

Шундай дер экан Шукур ака, одатдайдек, ўз дилдагиларни ҳам шартта тўқиб солади: «Шайх ака бежиз куюнмас эдилар, асли. Айниқса, ҳозир ҳам актёрларимиз талаффузига жиддий назар лозим. Ҳай, мен сизларга айтсам, ҳар бир театр актёрларининггина эмас, бош режиссёрдан то суфёргагина соф талаффузига сўзлаши лозим!»

Суҳбат мавзун тагин Шайхзода ижоди, унинг фазилатлари, машҳур кишилар билан мулоқотларига улади. Суҳбат тугамаса, дейсан. Дарҳақиқат, улғў кишилар ҳақида улғў хотиралар, армонли суҳбатлар тугармиди!

Устоз Шайхзода Навоий ҳақида мақоалларидан бирини донишмандлар фикридан олинган бир жумла билан бошлаган эди. Биз эса Шайхзоданинг ўзи ҳақидаги сўзимида унинг кўйишдан аввал ўша жумлани келтириб ўтамиз: халқ манфаатига хизмат қилиб, шу билан ўзлари янада олижаноброқ бўлган кишиларни тарих улғў кишилар ҳисоблайди.

Домла Шайхзода авлодлардан авлодлар оша халқ манфаатига хизмат қилиб, янада олижаноброқ бўлиб ишайверди. Уни келажак насллар барча улғўларни қаршилагани каби ҳар тонг қарши олади.

— Салом, Шайх домла! Устоз, одатдайдек, фавақулдада ҳозиржавоблик ва ишчанлик билан жавоб қилади: — Ўзларидан сўрасангиз?!

ОТАЁР
1978 йил, ноябрь.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир ва моҳир публицист Отаёр(Отаёр Наҳанов)нинг ижодий меросига оид қўлёзмаларини: ҳали чоп этилмаган шеър ва достонаари, халқ оғзаки ижодига доир мақола ва қайдлари, таниқли адиб ва санъаткорлар билан суҳбатлари матнини кўздан кечириб, бир қўлёзма алоҳида эйтиборимни тортиди. «Зийнатли умр» дея сарлавҳа қўйилган, ҳазрат Алишер Навоийдан бир байт эпиграф қилиб келтирилган бу суҳбатни берилиб ўқиб чиқдим. Дилтортар, самимий, энг муҳими, тарбиявий аҳамияти билан алоҳида салмоққа эга ушбу мулоқот ҳали бирор нашрда чоп этилмаганини билгач, уни газетхонлар ҳўкмига ҳавола этиш истаги туғилди.

Зотан, зийнатли умрлар барчамиз, айниқса, ёш авлод учун ўзига хос ибрат мактаби, ҳаётий сабоқдир. Аллома адибимиз Мақсуд Шайхзода ҳақида атоқли санъаткор Шукур Бурҳонов билан устоз Отаёрнинг суҳбати айнаи шу жиҳатларига кўра сиз азиз муҳлисларга маъқул бўлади, деб умид қиламиз. Яхшилар ёдини фақат дилда сақламоқ кифоя эмас. Уларнинг зийнатли умрини, ижод маҳсулини ўрганиши, тарғиб этмоқ яхшилик, эзгу фазилатлар тарғиби каби доимо долзарбдир.

Ўқтам МИРЗАЁР

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Марказий идора очик аукцион савдоларига таклиф этади

2012 йил 18 декабрь кунин соат 12:00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 8а-уйда жойлашган «Узпахтасаноат» уюмчасига қарашли 2009 й. и/ч «Chevrolet Captiva» русумли, д/р 01 749 RBA, бошланғич баҳоси 46 350 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси кўйилмоқда.

Мақсуд автотранспорт воситаси биринчи савдо кунин, яъни 2012 йил 18 декабрь кунинда сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 12:00 да ўтказилади. Аукцион савдоси голиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорда комиссия йиғим тўланади. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (Ингирма) иш кунин ичида сотувчи билан транспорт воситаси олди-сотди шартномаси тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар кунин (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача кўйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12:00да тўхтатилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 75 (етмиш беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг ХОАТБ «InfinBANK» МФО: 01041, СТИР: 302083379, 20208000304932168001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва кўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: 236-74-67, Факс: 236-26-65.

«Universal Auktсион invest» МЧЖ Жиззах вилояти филиали очик аукцион савдосига таклиф этади

2012 йил 14 декабрь кунин соат 11:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Суд департаменти Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси суд ижроичлари бўлимлари томонидан кўйидаги мулклар савдога қўйилмоқда: Дўстлик тумани СИБ томонидан Жиззах вилоят ҳўжаки судининг 2011 йил 3 августдаги ижро ҳўжжатига асосан хатланган, Дўстлик туманидаги «Майин Шамоллар» УКга қарашли, 2010 й. и/ч 2 донда давлат рақамисиз, сариқ рангли, однокоровный фронтальный погрузчиклари, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 155 700 000 сўмдан; Бахмал туман СИБ томонидан хатланган: ФИБ Жиззах туманлараро судининг 2012 йил 7 июндаги ижро ҳўжжатига асосан, «ГБА ВА3-2106 СНГ» русумли, д/р 25 К 335 АА, ранги оқ, бошланғич баҳоси 4 200 000 сўм, 1986 й. и/ч «РАФ-2203» русумли, д/р 13 I 0297 микроавтотбус, бошланғич баҳоси 5 000 000 сўм.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижроичлари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача кўйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00 да тўхта-

тилади. Аукцион савдоси Жиззах шаҳар, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, «Jahon» савдо уйида ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда тўлов ҳўжжатида ижро рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktсион invest» МЧЖ Жиззах вилоят филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» Жиззах бўлимидаги МФО: 00122, ИНН: 302083379, 22626000304932168001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва кўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳўжжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Жиззах шаҳар, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, «Jahon» савдо уйи. Телефон: (99891) 941-68-07. Гувоҳнома № 004059

КУЗАТУВ «ЖОЙ БЕР, БОЛАМ!...»

ISUZU русумли автобус шаҳар кўчаларида елиб борарди. Ҳайдовчи ва чиптачи эса ўз вазифаларини бажаришга обдон киришган. Йўловчилар ўз хаёли билан банд. Салон тирбанд, оёқ қўйишга жой йўқ. Ойналар очик бўлишига қарамай, ҳаво етишмайди. Ҳар доимгидай орқа ўриндиқни банд этган ёшлар ўзларини худди «люкс» автобусда кетаётгандай ҳис қилиб, қулоқларига қулоқчин қўйиб олишган, бошларини кимирлатганларича мусиқа тинглаб кетишмоқда. Уларнинг шундоққина рўпарасида жой бўшагини кутиб турган катта ёшли одамлар.

Кутилмаганда: — Жой бер, болам, — деди улардан бири. Аввалига аниқ эшитилмади, ҳартугул болалар пинакларини бузишди. Кейин ҳалиги овоз яна такрор эшитилди. Олдинги ўриндиқда ўтирганлардан бири кинояли: «Уларга гапирмаса, ўзларидан билиб жой беришмайди. Тарбия олишмаган-да», дея луқма ташлади.

Бу гап таъсир қилди, шекилли, ўтирганлардан бири иргиб ўрнидан турди-да, ота-хонга жой бўшати. Тик туриб чарчаган қария бироз тин олди. У пешонасидаги терини артаркан: «Раҳмат, болам. Умрингдан барака топ!», — дея алқадди. Ўриндиққа ялпайиб ётган тенгдошлари обдон қизаришди. Улардан бири у ёқ-бу ёққа аланглади. Таниш-билишлар йўқмикан, деган фикр ўтди, чоғи ҳаёлидан. Айримлари эса бўлиб ўтган воқеа уларга алоқаси йўқдай бепарво ўтирарверди.

Уларни олдинда бундан-да каттароқ ташвишлар кутиб турганини сезган, кайфиятлари бузилди. Гап шундаки, автобус чиптачисига хизмат ҳақини тўлаш керак. Ота-онаси берган пулни эса компьютер ўйинига ишлатворишган. Кеча ҳам йўлрича тўламасдан «суриб» қолишганди. Бугун ҳам шундай қилишди...



Кўриб кўзимиз кўниккан бу ҳаракатлар аслида кишини ўйлантириши керак. Уларнинг нималар қилиб юришганини ота-она, маҳал-

ла-кўй ёки устозлари билшармикан? Албатта, билишмайди. Бола уйда ота-она, мактабда эса муаллимлар назоратида бўлиши кундай равшан. Аммо кўнчада кузатувдан четда қолишди. Бу уларнинг ўзларига хон, ўзларига бек бўлди, дегандир. Каттажада назоратсиз қолган бундай йиғит-қизлар компьютер ўйнабми, кинога борибми, кунини кеч қилишади. Ёш, бунинг устига ҳали ҳаётнинг ачиқ-чуқунини тотмагани туфайли ўйинга, ҳар хил бемаъни нарсаларга қизиқувчан бўлади. Шундай экан, уларга яхши-ёмонини ўз вақтида англамоқ барчанинг бурчидир. Бир оғиз «Жой бер, болам», деган ачинкина тўғри сўз уларнинг ҳаياتини уйғотиши мумкин. Ёш яхшиши шу сўзни эшитмасдоноқ, ўзимиздан катталарга жой берганимиз маъқул.

Қамолдин ҲАМДАМОВ,
ЎзМУ талабаси

Тадбиркор аёллар кўмакчиси

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётимизнинг муҳим бўлини сифатида кун сайин ривожланиб бораётган. Бунда аёл тадбиркорларимизнинг ҳам ҳиссаси катта, албатта. Бинобарин, кичик бизнес, энг аввало, опа-сингиларимиз учун энг қулай ва самарали соҳа ҳисобланади. Жумладан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг аксарият йўналишларини фақатгина аёллар меҳнати билан амалга ошириш мумкин.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган мамлакатимиздаги энг йирик микроолиявий ташкилотлардан бири — "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки юртимиз аёллари, айниқса, олис туман ва қишлоқлардаги хотин-қизларни соҳага кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг бу борадаги билим ва малакаларини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида фаолиятини бошлаган мазкур молия муассасаси қисқа давр мобайнида ўзининг ниҳоятда кам фойдали микросармоялари билан аёл тадбиркорларимиз-

нинг тўла ишончини қозонди ва уларнинг яқин ҳамкорига айланди. Бунинг учун банк, аввало, ишни республикамизнинг барча ҳудудлари, хусусан, чекка туманларда ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, бу борада юртимизда яратилган имконият ва имтиёزلарни уларга етказиш мақсадида муассаса филиалларида доимий равишда махсус ўқув семинарлари ва давра суҳбатлари ташкил этишдан бошлади. — Утган йиллар давомида банк томонидан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 140 миллиард сўмдан зиёд микрокредитлар ажратилди, — дейди "Микрокредитбанк"нинг Микроолиялаш департаменти директори ўринбосари Алишер Суямов. —

Шунингдек, қишлоқ жойларида яқин келгач меҳнат фаолиятини бошлаган хотин-қизларга шахсий бизнесларини ташкил этишлари учун банк филиалларида тадбиркорлик дарслари, ўқув семинарлари ташкил этилиб, уларга бошланғич сармоялар ажратилди. Агар кўрсаткичларни биргина жорий йилнинг ўтган ойлари мисолида оладиган бўлсак, ажратилган кредитлар 35,6 миллиард сўмни ташкил этди. Натижада республикамиз миқёсида 16 мингдан зиёд аёл доимий иш билан таъминланди.

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан "Мустақкам оила йили" деб эълон қилиниши банк жамоаси зиммасига янада катта масъулият юклатди. Шу боис йилнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига жами 202 миллиард сўм кредит ажратилиши режалаштирилган бўлса, шундан 39,5 миллиард сўми айнан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилди. Бу билан банк қанчадан-қанча оилаларимизнинг моддий манфаатдорлиги, фаровонлиги орттиришга ҳисса қўшмоқда.

"Микрокредитбанк" ОАТБ ва "Камолот" ЁИХ ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" танловига голиб деб топилган ёшларнинг асосий қисмини тадбиркор бўлиш ниятидаги қизлар ташкил этаётгани ҳам қувонарли ҳолат. Қўриқ-танловнинг ўтган йилги якуний босқичида "Энг ёш тадбиркор аёл" номинацияси бўйича голибликни қўлга киритган қосонлик ёш тадбиркор Рушона Каримова банк кўмаги билан туманда аҳолига интернет ва компьютер хизматини йўлга қўйди.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аёллар ривожланиши жамғармаси (ЮНИФЕМ) билан ҳамкорликда Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини

ҳаётга кенг татбиқ этиш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Лойиҳани Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида амалга ошириш мақсадида Хотин-қизлар кўмитаси ва "Микрокредитбанк" ўртасида ўзаро ҳамкорлик келишуви имзоланди. Ушбу лойиҳанинг келгусидаги самараси бевосита кам таъминланган хотин-қизларга гуруҳ қафиллиги асосида бошланғич сармоя микрокредитлари ажратилишида катта ёрдам бўлади. Яъни аёлларимиз банкнинг имтиёзли сармояларидан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.


Хотин-қизлар кўмитаси, "Микрокредитбанк" ОАТБ ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида "Қўли гулдир ўзбек аёли..." кўргазма савдосининг ташкил қилиниши республикамизнинг чекка ҳудудларида банк микросармояларидан фойдаланаётган аёлларимиз томонидан тайёрланган маҳсулотларни янада кенг тарғиб этиш, қолаверса, шу орқали уларни рағбатлантириб бориш имкониятини очиб берди. Анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган мазкур кўргазмада бугунги кунда банк кредитлари ҳисобига фаолиятини юритаётган чевар аёллар ўзлари яратган гиламдўлик, каштачилик, зардўзлик, попоп ва бошқа ўнлаб турдаги қўл меҳнати маҳсулотлари билан қатнашмоқдалар. Шунингдек, тадбир доирасида доимий равишда савдо ярмаркаси иштирокчилари учун семинарлар ташкил этилаётган. Мазкур кўргазма, айниқса, тадбиркорлик, хунармандчилик, қасаначилик фаолиятига энди кириб келаятган, асосан уй бекалари бўлган ва миллий қадриятларимиз асосида хунармандчилик маҳсулотлари яратаятган моҳир аёллар учун тажриба-синов мактаби бўлмоқда.

А.АЗИМОВ

Тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!



СИЗНИНГ МАБЛАҒИНГИЗ "МИКРОКРЕДИТБАНК" ОМОНАТЛАРИДА СОНИЯЛАР САЙИН КЎПАЯДИ!



"ИШБИЛАРМОН" омонати

Мурожаат учун телефонлар: (99871) 273-05-80, 273-05-87.

Хизматлар лицензияланган.

Спорт

ЁШЛАРИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА!

"Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионатида қатнашади!" Утган ҳафтанинг сўнгги кун юртимиз бўйлаб ана шундай хушxabар тарқалди.



Бундан сал аввал ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси мусобақа голиблиги билан бирга жаҳон чемпионати йўлланмасини ҳам қўлга киритган эди. Қувонарлиси, Аҳмадхон Мусоев бошчилигидаги ёшлар терма жамоамиз ҳам бу ёқимли анъанани давом эттирди. Бирлашган Араб Амирликларида давом эта-

ётган мусобақанинг чорак финалида суриялик тенгдошларига қарши майдонга тушган футболчиларимиз пенальтилар баҳсида голиб чиқдилар. Улар энди келаси йили Туркияда бўладиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Шунингдек, қитъа чемпионати чорак финал учрашуварларида рақиблари устидан галаба қозонган Жа-

нубий Корея, Австралия ва Ироқ терма жамоалари ҳам жаҳон чемпионатида қатнашадиган бўлди. Кучли таркибга эга бўлган Эрон ва Япония термалари эса мусобақани эрта тарқ этди. Шундай қилиб, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ярим финалда Жанубий Корея ёшларига қарши шахмат усталари иштирокчидаги баҳсларга ҳам гувоҳ бўлишади.

О.АБДУЛЛАЕВ

ТОШКЕНТДА БАҲС ОЛИБ БОРАДИ

Шу йилнинг 21 ноябрь — 5 декабрь кунлари пойтахтимизда йирик шахмат мусобақаси бўлиб ўтади. Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ шафёблигида ўтайдиган ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг энг кучли ўн икки гроссмейстери голиблик учун донга суради.



Маълумки, ФИДЕ ҳар икки йилда олти босқичдан иборат Гран-при мусобақаларини ўтказиб келади. Ушбу беллашувларнинг якуний натижаларига кўра дастлабки уч ўринни эгаллаган гроссмейстерлар амалдаги жаҳон чемпионига қарши донга суриш ҳуқуқига эга бўлади. Бу галги Гран-при турнирининг дастлабки бос-

қичи сентябрь-октябрь ойларида Лондонда ўтказилди. Иккинчи босқич баҳслари, таъкидлаганимиздек, Тошкентда бўлиб ўтади. Кейинги босқич учрашуварига эса Лиссабон, Мадрид, Берлин ва Париж шаҳарлари мезбонлик қилади. Шу ўринда мамнуният билан қайд этиш лозимки, Тошкент Гран-присида ҳамюртимиз — жаҳон чем-

пиони, Осиё ўйинлари голиби Рустам Қосимжонов ҳам иштирок этади. Шу билан бирга, шахмат илҳоммандлари Борис Гельфанд, Петер Лекко, Александр Морозевич, Ванг Хао, Петр Свидлер, Темур Ражабов каби дунёнинг таниқли шахмат усталари иштирокчидаги баҳсларга ҳам гувоҳ бўлишади.

2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун БЮЎРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИ БОШЛАДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй соғиб олиш имконияти;
- Қўлай эскилашув; оқсон, мақтабларча яшил жойида;
- Замонавий дизайнли уйлар;
- Ҳар бир уй — жой 6 тоғич ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамада текис ва равион бўлганга эга;

Оқсонга учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилишдан маблағингиз оқсонли режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оқсонли тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилади;

Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарғандорлар учун мерос.

Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатлигини қўлайитириш имконияти;
- Имтиёзли фозил ставкасида 15 йил муддатта ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маош миқдори йиллар давомида қўлайга ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қуришни жараёни — тежамкорлик ва арзон нархлар сарови.

Замонавий қуришни моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган нуқратчи қурувчилар ва қуришни сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Узоқрўзи нархларда юқори сифатли замонавий қуришни моллари.

Мурҳамат, мурожаат қилинг!

- Тўғри вақтдаги ҳошимликларига;
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- "Камолот" ЁИХ бўлиmalarига;
- Хотин-қизлар кўмиталарига;
- Қишлоқ қуришни банк" филиалларига, минн банкларига;
- Қишлоқ қуришни шест" филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

Мақоллар

Ари қақди деб аразлама, боли бор!

Билмаган ишга уринма, Уриниб тузоққа илинма!

Бир кунлик йўлга чиқсанг, Бир ҳафталик озик ол!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЕВОВ

Таҳрир хайъати:

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЕВОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза
МУҲАММАДЖОНОВА
Акмаи САИДОВ
Сайид УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими:
Тел: 233-36-02.

Вилоят муҳбирларимизнинг телефон рақамлари:

Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — (+99891)-672-82-33,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

772010752002

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳовасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи:

Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21⁰⁰
Топшириш — 21¹⁵

Алади: 6307 Буюртма — Г-1155 12345